Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 189 (20. 756) • 1990 йил 21 август, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

МАМЛАКАТ ТАРИХИДАГИ ДОВОНДАН МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТАЙЛИК

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Одесса ҳарбий округида сўзлаган нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Мен мудофаа министри Дмитрий Тимофеевич Язовнинг қўшинларнинг машқларида ҳозир бўлишга таклиф этганини қизиқиш билан қабул қилдим.

Биз машқлар чоғида таассуротларимиз ва ана шу машқларга берилган баҳолар тўғрисида фикр алмашдик. Сиз хизмат юзасидан ўтказадиган кенгашларда аниқ-равшан якунлар ва хулосалар чиқариб оласиз.

Совет жангчилари давлат хавфсизлиги учун ўз халқи олдида жуда катта масъулиятга эга — мен мамлакат Президенти сифатида сизлар билан учрашувда буни алоҳида таъкидлашни зарур деб ҳисоблайман. Ўз нутқимда ҳозирги ички ва халқаро вазият асносида ҳарбий ишлар, қуролли кучларимизни ривожлантириш устида тўхталмоқчи эдим. Лекин сўзимнинг аввалида бугунги кунда ҳам жамоатчилик фикри, ҳам мамлакатдаги барча амалий фаолият жам бўлаётган муаммолар теварагидаги масалалар юзасидан ўз фикримни айтишни хоҳлардим.

Биз йиллар ва ўн йилликлар учун жамиятимиз тараққиётини белгилаб берадиган қайта қуриш жараёнида жуда катта қарорлар қабул қилиш арафасида турибмиз. Мамлакатимиз иқтисодий системани тубдан чуқур ўзгартириш бўсағасида турибди. Кўпчиликнинг куч-ғайрати билан, барча халқларнинг иштирокида кўп миллатли иттифоқимизни чуқур қайта ўзгартириш йўлларини ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз керак бўлади. Ҳуқуқий давлат тузилмалари жадал равишда шаклланмоқда. Жамиятимизнинг маданий, ижодий имкониятларини кучайтириш вазифаси ўткир бўлиб қолди, бунингсиз қайта қуриш муваффақиятига умид қилиш қийин.

Биз қайта қуриш сиёсатини амалга ошира бориб, босиб ўтган тайёргарлик босқичидан сўнг ҳал қилувчи ўзгаришлар палласи бошланганлиги давримизнинг бутун мураккаблиги ва унинг олдидаги масъулиятимизни белгилайди. Мамлакат тақдири мавзуси жамоатчилик фикрини яна қўзғаб юборди — омма турмушининг янги шакллари, жамиятни янгилаш сари мўлжалланган ҳаракат қай даражада илмий, тарихан асосланганлиги билан қизиқмоқда. Ҳақиқатан ҳам тақдирга дахлдор бўлган ана шу вазифаларни жамият турмуши барча соҳаларини бундан кейин ҳам демократиялашни авж олдириш билан уйғунлаштирган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларида ҳал этмоқ лозим бўлади.

Биз халқни бозор билан қўрқитишга, унга бозорга ўтиш гўёки социалистик ғоялардан воз кечишни билдиради, турмуш даражасини пасайтиришга олиб келади, деган фикрни тиқиштиришга бўлган уринишлар билан тўқнашдик. Шундай бўляптики, мамлакат раҳбарияти гўёки қандай бўлмасин, фақат халқ турмушини ёмонлаштириш хусусида қайғурмоқда эмиш. Бундай гаплар ортида ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ консерватив кучларнинг манфаатлари яширинган, улар қайта қуришни қабул қилмаяптилар. Улар машаққатларни пеш қилиб, жамиятдаги тангликдан фойдаланиб, одамларда бошқариладиган бозорга ўтиш тадбирларига нисбатан шубҳа уйғотишни, бундай йўл билан вазиятни беқарорлаштиришни, ўзгартишлар жараёнини тўхтатиб қолишни хоҳлаяптилар. Бу иш билан шуғулланаётганларнинг мақсадларини осонгина тушуниб олиш мумкин. Улар маъмурий-буйруқбозлик системасининг, у билан боғлиқ турмуш шаклларининг умрини сақлаб қолишга ёки ҳеч бўлмаганда узайтиришга, бу билан ўзларининг ҳозирги мавқеларини, ҳозирги обрўларини қўлдан бой бермасликка сўнгги куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Шундай қилиб, бу ерда гап халқ манфаатлари хусусида эмас, балки шахсий наф ҳақида боряпти.

Ҳозирги мунозараларда анча кенг тарқалган бошқа фикр ҳам бор: гўёки жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан қай даражада ташкил этилиши аҳамиятга эга эмас эмиш, одам яхши яшасагина бас эмиш. Бундай қараганда, ушбу фикр ҳаммамизни қониқтирадигандек кўринади. Лекин бу ҳозирги жараённи жўрттага соддалаштириб кўрсатишдир. Бундай йўл тарафдорлари ўз фикрлари ва режаларини ҳозирча халққа охиригача маълум қилишга жазм этолмаяптилар. Бироқ, уларнинг мақсади шундоқ ҳам кўриниб турибди: улар жамоатчилик онгини сусайтиришга, уни тўғри йўлдан оздиришга ҳаракат қилмоқдалар. Буни ҳам узоқни кўзлаб қилаяптилар — жамиятни оғир аҳволидан фойдаланган ҳолда социалистик ғоялар билан хайрлашишга, унинг обрўсини тўкиш ва дафн этишга, қайта қуриш сиёсий йўлини ўзгартиришга тайёрлаш ниятида шундай қилмоқдалар. Амалга оширилаётган ўзгартишлар теранлашган сари икки томонлама ҳужум кучаяверади, деб, хулоса чиқариш учун узоқни кўра олишдек катта қобилиятга эга бўлиш шарт эмас. Ҳа, биз аслида ана шуларни ҳозирнинг ўзидаёқ кўриб, кузатиб турибмиз.

Биз учун эса, қайта қуриш сиёсати қандай шаклланган бўлса, уни шундай ҳолда қўллаб-қувватлаётган фуқароларимизнинг кўпчилиги учун қайта қуришнинг мазмуни ўзгармай қолаверади: деб умид қиламан. Социалистик ғояларни рўёбга чиқариш, иқтисодий ва сиёсий системани чуқур ўзгартириш, жамиятни маънавий соғломлаштириш йўли билан социализмга янги ҳаёт бахш этиш қайта қуриш сиёсатининг мазмунидир. Жамиятда эркинлик ва демократияни, шахсга ҳурмат билан муносабатда бўлишни қарор топтириш, инсон ўз қобилиятини кўрсатиш имкониятига эга бўлиши, ўз ҳаётий режаларини амалга ошириши учун барча шароитларни яратиб бериш бизнинг мақсадимиздир.

Ҳозир социализмнинг инқирози, боз устига, унинг тарихий мағлубияти ҳақида гапиришмоқда. Шахсан мен умуман социалистик ғоя мағлубиятга учрагани йўқ, балки социализм атамаси орти да яширинган утопик сўл радикал ҳарбий коммунизм мағлубиятга учради, деб ҳисоблаётган кишиларнинг фикрига қўшиламан. Ленин умрининг охирида ана шу утопик сўл радикал ҳарбий коммунизмни рад этган эди. Худди шунинг учун ҳам ҳозир биз СССРда социализм қуёши ботаётганлигидан дарак бераётган инқирозга эмас, балки социализм моҳиятини замонавий тушуниш асосида жамиятни янгилаш ва тиклаш жараёнига дуч келдик, дейиш учун бизда асослар бор. Биз ҳозир ўз тажрибамиз ва жаҳон назарий тафаккури ютуқларини ҳисобга олган ҳолда социализмни жаҳон маданияти ва умуминсоний тафаккурнинг инсонпарвар манбалари илдизларига бориб етувчи буюк ғоя сифатида тушунмоқдамиз. Социализмни капитализм жамиятида ишчилар синфи кураши натижасида пайдо бўлган ижтимоий ҳаракат сифатида, ҳозир эса энг кенг доирадаги демократик кучлар манфаатларининг ифодачисига айланган тузум сифатида тушунмоқдамиз. Уни тараққиётнинг муайян босқичида пайдо бўладиган, халқнинг тарихий имкониятлари ва ўзига хос хусусиятларига биноан жуда турли усулларда амалга ошадиган ижтимоий-сиёсий тузум сифатида тушунмоқдамиз.

Биз социализмда қандайдир қотиб қолган андоза, ниҳоясига етган шаклни кўраётганимиз йўқ. Бу — доимий жараён, ҳаракат бўлиб, унинг асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, иқтисодий ва сиёсий демократияни кенгайтириш ҳамда қарор топтириш учун, эксплуатациянинг, ижтимоий ва миллий зулмнинг барча турларини бартараф этиш учун, ижтимоий адолат ҳамда коллектив бирдамликнинг тантаналари, инсон шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун кураш ётади. Қайта қуриш концепциясининг моҳияти ҳам аслида ана шундадир.

Бугунги кунда қайта қуришни рўёбга чиқариш борасидаги ҳамма ишларимизнинг оғирлик маркази иқтисодий соҳага ўтмоқда. Энг аввало, мулк муносабатларига тааллуқли масалаларда туб чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак. Давлат мулкининг ҳозирги якка ҳокимлиги, танҳо ҳукмронлиги — иқтисодиёт танг аҳволининг асосий сабаби ҳамда ана шу тангликдан чиқиш йўлидаги асосий тўсиқдир. У одамни ишлаб чиқариш воситалари билан алоқадан маҳрум этади, меҳнаткашнинг ва меҳнат жамоаларининг иқтисодий манфаати ишлаб чиқариш ва алмашинувнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган меҳнат шароитларини яратиш имкониятини истисно қилади. У ўзининг ҳозирги шаклида бутун жамиятимизни қишанлаб қўяётган маъмурий-буйруқбозлик системасининг негизи сифатида хизмат қилмоқда ва уни бузиб ташламасдан мамлакатни, тиклаш ва янгилаш умуман мумкин эмас. Нормал иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш, давлат мулки якка ҳокимлигини сақлаб қолган ҳолда аниқ бозорни вужудга келтириш борасида шу пайтгача бўлган барча уринишлар муваффақиятсизликка маҳкум этилганлиги ҳам тушунарлидир. Шу сабабдан мулк муносабатларини уни давлат тасарруфидан чиқариш, якка ҳокимликни тугатиш орқали кенг жабҳа бўйлаб ислоҳ қилиш — асосий ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Биз мулкни ўзимиз танлаб олган йўл доирасида хусусийлаштиришимиз керак. Бу, бир қараганда, ғалати, назарий жиҳатдан асоссиз туюлиши мумкин. Лекин бу бир қарашда шундоқ кўринади. Биз «ҳамма ишларни ибтидосидан бошлашимиз лозим», жамғарма тўплашнинг дастлабки босқичига қайтишимиз керак, деб даъво қилаётган кишиларнинг нуқтаи-назарига қўшила олмайман. Бу жамиятимиз воқеликларини ҳисобга олмай туриб, навбатдаги андозани сунъий равишда тиқиштириш бўлур эди. Айни вақтда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси бизнинг ихтиёримиздадир. Ана шу тажрибага биноан меҳнаткашлар монополиялардан корхоналарни сотиб оладилар ҳамда бозор иқтисодиёти доирасида иш юритадилар, ҳатто энг кучли фирмалар ва концернлар билан муваффақиятли равишда рақобат қиладилар.

Биз мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга биринчи галдаги вазифа деб қарашимиз керак. Меҳнат жамоаларига мулкни топшириш, тижорат жамиятлари, кооперативлар, ижара корхоналари тузиш йўлларида бир қанча ҳолларда эса кичик корхоналарни, энг аввало, хизмат ва савдо соҳасидаги кичик корхоналарни хусусий мулк сифатида сотиш асосида эркин равишда маҳсулот ишлаб чиқарувчи уюшмалар шаклланади. Шундай қилиб, иқтисодий манфаат, одам

(Давоми иккинчи бетда).

Жумҳуриятимиз ҳаёти: воқеалар, шарҳлар

Олий Совет комитетларида

● Ўзбекистон ССР Олий Советининг Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув комитети жумҳурият қонун чиқарувчи олий органининг навбатдаги, учинчи сессияси кун тартибига киритиш тавсия этилган ҳужжатларни муҳокама қилишни давом эттирди.

ҚОНУНЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Комитет раиси А. А. Йўлдошев олиб борган мажлисда «Ўзбекистон ССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ва маҳаллий ҳўжалик тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон ССРда хусусий корхоналар тўғрисида»ги жумҳурият Қонунларининг лойиҳалари биринчи муҳокамадаёқ маъқулланди. Уларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш учун матбуотда эълон қилиш тавсия этилди.

Жамиятни демократиялаш жараёнлари, ошкоралик тақозоси билан амалга оширилаётган бундай ишлар аҳолига ҳар томонлама ахборот беришга ва унинг сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашиши, ташаббус уйғотиши, фикрлар, тавсиялар, маслаҳатларнинг жуда кенг жабҳасини ҳисобга олиш имконини бериши таъкидланди. Шундай қилиб, қонун чиқариш билан боғлиқ ижодий жараёнда жуда кенг халқ оммаси қатнашмоқда ва қонунларнинг лойиҳалари шунга муносиб равишда жамоатчилик фикрини, халқ манфаатларини чуқурроқ акс эттирмоқда.

Худди шу нарса ўтган ойда жумҳурият матбуотида эълон қилинган «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига доир ишларни самарали тугаллашга ёрдам берди. Олимлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, ишлаб чиқарувчилар, ишчилар, колхозчилардан парламент комитетига тушган барча фикр-мулоҳазаларни халқ депутатлари ва мутахассислар диққат билан ўргандилар, уларнинг кўпчилиги ана шу ҳужжатнинг узилкесил нусхасида ўз аксини топди. Комитет уни иккинчи муҳокамада қабул қилди ва энди Қонун лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Совети учинчи сессияси муҳокамасига тақдим этади.

Ишчи гуруҳларининг топшириғига мувофиқ Комитет раисининг муовини Э. Н. Ҳўжаев ва Ўзбекистон ССР Адлия министрлигининг бош маслаҳатчиси О. Эрназаров Қонун лойиҳаларини муҳокамага тақлиф этдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Ўзбекистон ССР Олий Совети комиссиясида

Пахта тайёрлаш системасида илгари йўл қўйилган суиистеъмоллар билан боғлиқ жиноий ишларни қайта кўриб чиқиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ўтказди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А. А. Полвонзоданинг ахбороти тингланди. У партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига фуқаролардан асоссиз равишда судланганлик, тергов олиб боришдаги ғайриқонуний усуллар, белгиланган жазонинг қаттиқлиги хусусида ва шунга ўхшаш бошқа мавзуларда кўпдан-кўп шикоят ва аризалар тушаётганлигини таъкидлади.

Комиссия ҳозирги вақтда пахтага қўшиб ёзиш ва ўғирликлар натижасида жумҳуриятга етказилган зарарни аниқлаш, шунингдек, раҳбарларнинг зўрлаши билан жиноят содир этган ва асоссиз қораланган кишиларни оқлаш юзасидан катта ишлар қилмоқда.

Комиссиянинг кўпгина жиноий ишлар юзасидан тақлифлари Ўзбекистон ССР Олий судига тақдим этилди, бунинг натижасида бир қанча фуқаролар оқланди, қораланган кишилар кўпчилигининг жазо муддати қисқартирилди. Комиссия аъзолари ҳужжатларни ўрганиш чоғида бундай тоифадаги жиноий ишлар юзаки тергов қилинганлиги фактлари аниқланганлигини хабар қилдилар. Бундай юзаки тергов натижасида пахта тайёрлаш соҳасидаги суиистеъмолликлар оқибатида кўрилган зарарнинг миқдори бир неча бор ошириб кўрсатилган. Бундай жиноятларнинг олдини олиш юзасидан пишиқ-пухта тадбирлар ишлаб чиқишга доир ишлар тугалланганлиги тўғрисида ҳам айтилди. Бундай тадбирлардан мақсад келгусида пахтачиликда нохуш ҳодисаларга йўл қўймасликдан иборат.

Комиссия барча мавжуд материалларни ўрганиш борасидаги ишларнинг асосий ҳажмини 1990 йил октябрь ойида тугатишни мўлжалламоқда.

ҚИШГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Жумҳурият Министрлар Совети Президиуми мажлисидан

Бу мажлисда қишга тайёргарлик масалаларнинг масаласи деб айтилди. Ҳукумат Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри мисолида 1990-1991 йилнинг куз-қиш ойларида жумҳурият халқ хўжалигининг аҳволи ва унинг барқарор ишлашини таъминлашга доир тадбирларни муҳокама қилар экан, ундан қаноат ҳосил қилмади. Уларни муҳтасар қилиб, қуйидагича таърифлаш мумкин: тайёргарлик суръатлари етарли эмас, кўп ҳолларда ташкилий-техникавий тадбирлар бажарилмаяпти. Вилоят ижроия комитетлари, шаҳар ва районлар ижроия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг, бирлашмалар, корхоналар ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари моддий-техникавий ресурслар билан таъминланиш борасидаги қийинчиликларни баҳона қилишмоқда. Бундай қийинчиликлар бор. Лекин бу қишга тайёргарлик кўришда боқи-бегамлик ва сусткашликка, жиддий камчиликлар билан муроса қилишга ҳуқуқ бермайди.

(Давоми учинчи бетда).

БУГУНГИ СОНДА:

(1- ва 2-саҳифа).

● М. С. Горбачев: Биз йиллар ва ўн йилликлар учун жамиятимиз тараққиётини белгилаб берадиган қайта қуриш жараёнида жуда катта қарорлар қабул қилиш арафасида турибмиз.

(1- ва 3-саҳифа).

● Ўзбекистон ССР Президентининг қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш, улар хўжалигини йўлга қўйишга бағишланган Фармонларида белгилаб берилган тадбирларни изчиллик билан амалга оширайлик!

● Кузги-қишки мавсумда иссиқлик узатиш тармоқларини узлуксиз ишлатишга пухта тайёрлаш — долзарб вазифа.

(3- ва 4-саҳифа).

● Муштарийлар қаламни қўлга олганда...

● Дори-дармонсиз даволашнинг афзалликлари нимада?

● *«Ҳосил-90»*



Терим машиналари тахт

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози пахтакорлари бу йил 11715 тонна пахта йиғиштириб олиш иштиёқида меҳнат қилаётирлар. Шу билан бирга йиғим-терим мавсумига ҳам пухта ҳозирлик кўришаётир. Айни пайтда 120 та пахта териш машинаси, 25 та кўсак чувиш, 21 та кўсак терадиган машиналар, 200 та тележкани ремонтдан чиқариб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйишди. Суратда: устахона ходимларидан (чапдан ўнгга) Ю. Ўташев, А. Мамиров, Н. Эшбоев, Э. Худойназаров навбатдаги режалар ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

В. ТЎРАЕВ олган сурат.

● *Номерга хабар*

ҚЎЛГА ОЛИНГАН САМОЛЁТ КАРОЧИГА ҚЎНДИ

20 август куни Москва вақти билан соат 7 дан 25 минут ўтганда Тошкент аэропортидан Граждан авиацияси Якутия бошқармасига қарашли 85323 рақамли ТУ-154 самолёти парвоз қилди. Самолётда қуролланган 11 қароқчи бўлиб, улар бу ердаги 29 йўловчини, шу жумладан уч нафар ички хизмат харбий хизматчисини ва 2 нафар Польша фуқаросини гаровга олишган эди. Тўрт соатдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин самолёт Карочи аэропортига қўнди.

Самолёт 19 август куни қўлга олинган эди. Нерюнгридан Якутскка борадиган самолёт ҳавога кўтарилганидан кейин тергов қилинаётган ва қамоққа олинганлардан иборат тўққиз кишилик гуруҳ соқчилар қуролини тортиб олди. Қароқчилар йўлини топиб самолётга қирқма милтиқ ва портловчи қурилма олиб киришга муваффақ бўлган эдилар. Афтидан, қурол самолётни эгаллаб олганларидан бири бўлган Евдокимовнинг ясама оёғига яшириб қўйилган эди. 15 минут училганидан кейин қароқчилар экипажга самолётни Нерюнгри аэропортига қўндиришни буюрдилар. Болалар, аёллар ва қарияларни озод қилиш эвазига улар қамоққа олинган яна беш нафар жиноятчини олиб келишни, қурол-яроғ ва ўқ-дори беришни талаб қилдилар. Акс ҳолда самолётни портлатиб юборамиз деб дўқ урдилар.

Уларнинг талаблари бажарилди. Қароқчилар ҳузурига уларнинг икки ошнаси олиб келинди (қолганлар бош тортишди), уларга 4 та автомат, 7 та ўқ ўтмас кийим, ўқ-дори берилди.

Шундан кейин самолёт дастлаб Новосибирск томон учди, лекин кейинроқ босқинчиларнинг талабига биноан Красноярск аэропортига қўнди ва у ердан Тошкентга учди.

— Биз воқеалар ривожидан хабардор бўлиб турдик, — деди Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг бошлиғи Г. М. Рафиқов. — Ягона вазифамиз қон тўкилишига, бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлишига йўл қўймасликдан иборат эди. Эгаллаб олинган лайнер етиб келгунига қадар биз учта — ИЛ-62, ИЛ-76, ТУ-154 самолётларини экипажлари билан шай қилиб қўйдик. Ўғирланган самолёт Москва вақти билан соат 20 дан 40 минут ўтганда Тошкентга келиб қўнди. Жумҳурият пойтахти аэропорти атиги 40 минут давомида ёпиқ бўлди. Самолётни хавфсиз жойга олиб бориб қўйиш учун бизга шу вақтнинг ўзи кифоя қилди. Бу вақт ичида биз жумҳурият ҳукумати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Давлат хавфсизлиги комитети билан мустаҳкам алоқа боғлаб иш олиб бордик.

Аҳвол эса ҳақиқатан жуда оғир эди. Ўн бир нафар қароқчи номидан гапирган Евдокимов билан Исаков бошқа самолётга ўтишдан бош тортишди. Даставвал улар машинага бензин қўйишни ва ҳаммаларини иссиқ овқат билан таъминлашни талаб қилдилар. Красноярскда уларга бундай илтифот кўрсатилмаганлигидан ҳатто ҳолиб ҳам қўйдилар.

Дастлаб қароқчилар Ммонга, Покистонга ёки бошқа бирор мамлакатга учиб кетмоқчи бўлишди. Лекин улар бу мамлакатларда қабул қилинмасликларини эшитганларидан кейин Деҳлига учишни талаб қилдилар. Лекин қўйилган шарт яна писандали бўлди. Аэропортда иккита ҳарбий вертолёт кутиб туриши ва уларни Покистонга олиб бориб қўйиши керак эди.

Бутун тун давомида гаровга олинганлар ҳамда кема командири Листопадов, иккинчи учувчи Туриев, штурман Орловский, бортинженер Калюшин ва уч нафар борт проводниқдан иборат экипаж самолётда бўлишди. Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг бошлиғи Г. М. Рафиқов билан жумҳурият Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Моргасов қароқчилар билан музокаралар олиб боришди.

— Бизнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатимиз қароқчилар кўзига хатарли бўлиб кўринарди, — деб давом этади Г. М. Рафиқов. — Дастлаб улар экипажни алмаштиришга кўнмай туришди. Лекин биз Якутия бошқармасидан бўлган учувчилар инглиз тилини билмасликларини ва халқаро линияларда учиш тажрибасига эга эмасликларини уларга исботлаб беришга муваффақ бўлдик. Ниҳоят улар рози бўлишди. Экипажнинг уч аъзоси ўрнига самолётга кўнгиллилар — Ўзбекистон бошқармасининг тажрибали авиаторлари учувчи-инструктор Қодир Отабоев, штурман Анатолий Ли, бортрадист Анатолий Лебедевлар чиқишди.

Қуролланган гуруҳ бутун тун давомида ва тонгда самолётни қўриқлаб турди. Уларга гўёки экипаж кечикаётгандек туюлганида қуроли тортиб олиниб, қўлларига кишан солинган сержант ташқарига олиб чиқилди. Самолёт қаноти остида жиноятчилар бир нечта огоҳлантирувчи ўқ отдилар. Самолёт ёнига келаётган барча машиналар — техник хизматлар, бензин қуювчилар унга 50 метр қолганида тўхташарди. Қароқчилар ўз кучларига қаттиқ ишонаётганликлари сезилиб турарди. Самолётни эгаллаш анча олдиндан тайёрланганлиги, пухта режалаштирилганлиги аён эди. Самолётда қаёққа борилиши ҳам белгилаб олинган, албатта.

Бу ерга етиб келган қўлга олиш гуруҳи ҳаракат бошламади. Алоҳида вазият, қуролли қароқчиларнинг кўпчилик экани ҳисобга олинадиган бўлса, қўлга олиш чоғида анча қурбонлар бўлиши турган гап эди.

Қўлга олинган самолёт Тошкентдан парвоз қилиб, Деҳлига йўл олди. Лекин яна қароқчиларнинг буйруғига биноан экипаж йўналишни ўзгартирди. ТУ-154 Карочига томон учди. Ердан берилган тавсияга кўра экипаж ҳалокат сигналини тарқата бошлади, чунки Покистон маъмурлари самолётнинг қўнишига рухсат беришмаган эди. Қўлга олинган самолёт ундаги гаровга ушланган кишилар билан бирга Москва вақти билан соат 11 дан 30 минут ўтганда Карочи аэропортига қўнди. Самолёт тўрт соатдан кўпроқ парвозда бўлди. Ёнилғи тугай деб қолган эди.

Самолётдан олинган сўнгги хабарларга қараганда, гаровга олинган кишиларнинг бироитаси ҳам жабрланмаган.

Л. ЛЕВИН,
С. ФЕНЮТИН,
ЎзТАГ мухбирлари.

МАМЛАКАТ ТАРИХИДАГИ ДОВОНДАН МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ларнинг ташаббуси, уларнинг тўла хўжалик мустақиллиги, ўз ҳолича иш юритиш ва ўз меҳнат натижаларини тасарруф этиш ҳуқуқи жўшқин ривожланишнинг асосий омили ва манбаига айланади.

Бу ишда ўрта ва майда корхоналар катта аҳамиятга эга бўлишига умид боғлаяпмиз, жамиятда корхоналарга эгалик қилиш руҳи ҳар томонлама рағбатлантирилиши лозим. Иқтисодий жабҳаларда кенг имконият яратилиши, иқтисодий омиллар ёрдамида ва товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар манфаатларини уйғунлаштириш, аҳолини, биринчи навбатда жуда муҳтож табақаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида демократик давлат бошқариб турадиган тўлақонли бозорнинг вужудга келиши барча ишларимизнинг табиий натижаси бўлади. Бозор иқтисодиёти тегишли муассасалар, бозор инфраструктураси деб аталаётган ҳамма нарсалар бўлишини назарда тутади. Бу ерда гап банк, кредит-молия, солиқ системасини тубдан ўзгартиш ҳақида бормоқда — бу ишларни ҳам ҳозир ҳеч кечиктирмай қилиш керак ва шундай қилинмоқда.

Мен сизга яна бир жуда муҳим фикрни етказишни хоҳлардим. Бозорга ўтиш— бутун аҳоли онгини ўзгартириш, юқоридан қуйигача бўлган барча ходимлар ишининг янги даражаси билан боғлиқ жуда чуқур, мураккаб жараёндир. Бу ерда ҳеч нарса ўз-ўзидан ишга тушмайди. Қарор қабул қилиндими, ҳамма иш ўз-ўзидан юришиб кетади, деб қарорларнинг кучига орқа қилиш одатимизга узил-кесил барҳам беришимиз лозим. Бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатлар кўп. Лекин у ҳамма жойда ҳам бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар гуруҳидаги сингари натижалар бергани йўқ. Бунинг сири шундаки, замонавий бозор иқтисодиёт соҳасида юксак малакали кадрлар, ҳар бир иш жойида жуда зўр интизом бўлишини тақозо этади, мен ўз ишига ва бошқалар меҳнатига ҳурмат бўлиши керак, деб айтган бўлур эдим.

Ишлаб чиқаришдаги, савдо ва молия соҳаларидаги инженерларимизни, бошқарув ходимларимизни, иқтисодиётга хизмат кўрсатаётган ахборот системаларимизнинг даражасини, маҳсулот сифатини ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган нарсалар билан таққослаб кўринг, шунда сиз ана шу соҳалардаги фарқни нисбатан қисқа муддатда тугатишимиз кераклигини тушуниб оласиз. Ҳозир бутун жамиятни фан, замонавий технология ёрдамида, умумий маданиятимиз ва маҳоратимизни ҳамда барча соҳалардаги масъулиятимизни ошириш орқали бунга тайёрлашимиз керак. Охир-оқибатда, буларнинг ҳаммаси хўжаликни оқилона юритиш, меҳнат ресурслари, моддий ва молиявий ресурслардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишга олиб келадиган иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтириши лозим. Буларнинг ҳаммаси сарф-харажатлар иқтисодиётига узил-кесил зарба беришга имкон яратади, бутун жамиятга, ҳар бир оилага, ҳар бир кишига самарали натижалар келтиради.

Режалаштирилаётган барча ўзгартишларнинг маъноси ана шунда, халқнинг турмуш шароитларини яхшилашдадир. Ҳамма тушуниши керак: биз бозорсиз зарур миқдордаги молларни, боз устига, юқори сифатли молларни ололмаймиз. Бозорсиз иқтисодиётни маҳаллийлаштириб бўлмайди, корхоналарга эркин эгалик қилиш, одамни ишлаб чиқариш воситаларига, ерга, ўз меҳнати самараларини эркин тасарруф этишга қайтариш мумкин эмас: Бусиз эса манфаат ҳам — иқтисодиётимиз муҳтож бўлган ўша омилнинг ўзи ҳам йўқ, ҳаракат ҳам йўқ.

Бозор — бу катта ташаббус, катта ихтирочилик, айни пайтда, албатта, катта масъулият ҳамда журъатдир. Одамлар ўзлари ва жамият фаровонлиги йўлида кўпроқ пул ишлаб топишлари, яхшироқ яшашлари, истеъдодлари ҳамда маҳоратларидан самарали фойдаланишлари мумкин бўлади. Танлаб олинган социалистик йўл фақат меҳнат орқали, кишиларнинг ўз иқтисодий манфаатлари негизида амалга оширилиши мумкин. Бундай меҳнат қилиш натижасида жамиятни бутунлай кишанлаб қўяётган текисчилик психологияси ва тайёрга айёрлик кайфияти бартараф этилади, миллий психология ва тайёрга айёрлик кайфияти жамиятимизни инқироздан тезроқ қутқариш йўлини тўсиб турибди. Олдимизда социализмни инсон манфаатлари билан уйғунлаштириш вазифаси турибди. Хуллас, туб тадбирлар мажмуини амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш жамоалари мустақил ривожланиши, ҳар бир кишининг, оиланинг меҳнат имкониятларини очиш учун уларга катта эркинлик беришни, идоравий буйруқбозликка барҳам беришни хоҳлаймиз. Эгалик қилиш ҳуқуқини ундан келиб чиқадиган барча оқибатлар билан биргаликда амалда қарор топтириш, мамлакатда унга нисбатан ҳурмат муҳитини яратиш керак. Бозорсиз ва мулкни ҳурмат қилмай туриб, демократиянинг пухта пойдевори ҳам, инсон ҳуқуқи, фикр ва сўз эркинлиги ҳам бўлмайди.

Яқин ойларда бозорга ўтиш юзасидан тайёргарлик борасида жуда катта ишларни амалга ошириш керак. Биринчи навбатда истеъмол бозорини барқарорлаштириш, ҳозир бузилиб кетган хўжалик алоқаларини тиклаш, ҳозирги барча қийинчиликларга қарамай, хўжалик йилини иложи борича кўпроқ натижалар билан тугатишга ҳаракат қилиш юзасидан жиддий тадбирларни амалга оширмоқ даркор. Барқарорлаштириш доирасидагина бозор сари қатъиян ҳаракат қилиш мумкин.

Биз қайта қуриш орқали бораётган социализм йўлининг ўзига хос белгиси, бу ҳақда илгари ҳам гапиришимга тўғри келган эди, социализмни эркинлик билан уйғунлаштиришдан иборатдир... Сиёсий ва ижтимоий тузилмаларни демократиялаш барча даражадаги давлат ишларида фуқароларнинг қатнашиши учун тенг имкониятлар яратади. Умуман сиёсатимизнинг ва унинг иқтисодиёт устидан назоратининг социалистиклиги ҳокимиятнинг барча идораларига эркин сайлов билан таъминланади. Меҳнаткашлар унинг ҳақиқий манбаи бўлиб қоладилар.

Ишчи ва деҳқонлар ҳаракатини тиклаш қайта қуриш социалистик ва демократик тусда эканлигининг ишончли кўрсаткичларидан биридир.

Жамиятимиз ҳали йўл бошида турибди, у ўзининг янги йўлини энди бошлаши керак. Бунда кўп нарсалар мушоҳада қилиниши ва фикрлар тиниши керак. Лекин бу қайта қуриш муваффақияти учун принципиал аҳамиятга молик ниҳоятда муҳим жараёндир. Биз қайта қуриш мақсадларини ишчи ва деҳқонлар ҳаракати мақсадлари билан уйғунлаштиришимиз даркор.

Ҳаммамизни миллатлараро муносабатлардаги ўткир танглик Иттифоқимизнинг тақдири иқтисодиётдан кам ташвишлантирмаяпти. Ҳа, Совет Иттифоқи ҳозиргача яшаб келган кўринишда ўз имкониятларини тугатиб бўлди. Лекин бу уни барбод қилишни, ажратиб ташлашни оқлаш эмас, балки уни янги негизда чуқур ўзгартириш учун катта турткидир. Мамлакатимиз халқлари совет кишиларининг яшаб турган авлоди тақдирига дахлдорликнинг тўла маъносида, келажак авлод учун бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда қарор қабул қилишлари керак бўлади.

Кенг жабҳа бўйлаб янги Иттифоқ шартномасини тайёрлашга ҳозирлик кўрилмоқда, у чуқур илмий, ижтимоий-сиёсий ишланмалар натижаси бўлиши учун барча фикрлар ва манфаатлар ҳисобга олиниб, тузилиши керак. Очиғини айтай, ўртоқлар, бу иш барчамиз учун алоҳида аҳамиятга молик.

Миллий уйғониш, суверен ҳуқуқларни демократик ўзлаштириш жараёнлари оғир, зиддиятли тарзда кечмоқда. Афсуски, ҳамма вақт ҳам амалий, ҳамжиҳатлик руҳида бораётгани йўқ. Миллатлараро муносабатларнинг кескинлиги пасайиши у ёқда турсин, аксинча, кучайиб боряпти. Ҳали у ер, ҳали бу ерда ўткир можаролар чиқмоқда. Вазиятдан турли кучлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун фойдаланаётганликлари ҳам кўриниб турибди. Умумий масъулиятимиз шундан иборатки, мунозараларнинг бундай боришига, боз устига, мамлакатда алғов-далғов келтириб чиқарадиган, буюк давлатимизни жар ёқасига олиб келадиган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслигимиз керак.

Миллатлараро муносабатларни тартибга келтириш юзасидан шошилинч ва туб тадбирлар кўриш талаб қилинаётган мураккаб вазиятда: янги Иттифоқ шартномасини тайёрлашга умуман шошилиш керакми, деган сўзларни ҳам эшитишга тўғри келмоқда. Ҳаётнинг ўзи одамларни унинг зарурлигини тушунишга ўргатсин, дея фикр юритмоқдалар. Бу фикрга ҳеч қўшилиб бўлмайди. Жамият инқирозга юз тутган шароитда марказдан қочма кучлар ҳали у ер, ҳали бу ерда миллатчиликни келтириб чиқармоқдалар, уларни кўпинча бошқариб бўлмаяпти, миллатлараро низолар бутун мамлакат учун ва ҳатто халқаро миқёсда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Иттифоқ шартномаси барча муаммоларни бир зумда ҳал қилишни билдирмайди, албатта. Лекин у узоқ ва оғир жараёнда, оқилона ҳамда ўзаро мақбул ечимларни топиш йўлидаги интилишларимизда туб бурилиш давридир. Бу янги Конституцияга эҳтиёж ниҳоятда сезилаётган ҳозирги пайтда, айниқса, муҳимдир. Иттифоқ шартномаси мустақил давлатлар иттифоқи мавжудлигининг ҳуқуқий асоси сифатида янги Конституциянинг муҳим таркибий қисми бўлиши керак.

Ана шу барча сабабларга кўра, Иттифоқ шартномаси шу йилнинг ўзидаёқ тузилиши учун барча ишларни қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Мен барча жумҳуриятлар, мухтор тузилмалар иштирок этаётган жиддий кенг кўламли ишларни доимо кузатиб турибман. Жуда катта ҳажмдаги материаллар ўрганилмоқда, мамлакатимиз ва қайта қуришнинг ана шу туб муаммоси юзасидан жамоатчилик фикри қандай ривожланаётганлиги таҳлил этилмоқда. Ҳужжат хилма-хил омиллар ва манфаатларнинг ҳаммасини ўзида уйғунлаштириши, ҳамма учун мақбул, адолатли, халқларнинг орзу-умидларига жавоб берадиган, нафақат ички, айни вақтда ташқи шароитларни, бизни ўраб турган дунёдаги янги тамойилларни, давлатимизнинг жаҳон майдонидаги мавқеини ҳисобга оладиган мавжуд реалликларга асосланмоғи лозим.

Менимча, бу ҳақда эслатиб ўтиш ортиқча бўлмайди, чунки Иттифоқимизда ҳал этилмай тўпланиб қолган муаммолар умумий манзаранинг бир қисми, тарихан ташкил топган ўзаро алоқалар умумий манзарасининг бир қисми, холос. Мамлакатимиз бир неча юз йилликлар давомида кўп миллатли бўлиб шаклланди. Унда зулм ва ҳақсизлик бўлди, лекин ўзаро ёрдам, бирдамлик, биргалашиб ҳужумни даф этишдек ёрқин саҳифалар ҳам бўлди. Қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, умумий ғам-ташвишлар ва умумий қувончлар, адолатга интилиш, маънавий яқинлик, қардошлик туйғулари, маданиятларнинг бир-бирига чуқур кириб бориши юз берди. Иттифоққа бирлашган барча халқлар тақдирига дахлдор қарорларни қабул қилиш чоғида буларнинг ҳаммасини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Ёки мамлакатдаги нуфус вазиятни ҳисобга олинг — бу вазият жуда улкан ҳудудда одамлар жойлашишининг мислсиз кўп табақалилиги билан ажралиб туради. Аслида биздаги барча жумҳуриятлар кўп миллатли бўлиб, ўнлаб миллион одамлар миллатлари турлича кишилар тузган оилада туғилган, 60 миллиондан кўпроқ одам ўз жумҳуриятидан ташқаридаги ҳудудларда яшамоқда. Узоқ давом этган табиий-тарихий жараённинг ана шу натижаларини зўрлик билан ўзгартиришга уриниш кўз ёшлар ва қоннинг дарё бўлиб оқишига олиб бориши мумкин. Ана шу инсоний реалликка ҳужум қилиш нималарга олиб келганлигини, миллионлаб одамлар учун қандай азоб-уқубатлар келтирганлигини сўнгги йиллардаги аччиқ тажрибамиздан биламиз. Ҳолбуки, бу мамлакатнинг фақат айрим минтақаларида бўлиб ўтди. Иттифоқни бузиб ташлашга очиқдан-очиқ ёки яширинча ҳаракат қилаётган кишилар халқ фикрини пеш қиладилар, халқ номидан гапиришни даъво қиладилар. Лекин шуни айтиш керакки, сиёсий даражада СССРдан чиқиш тўғрисида гапиришаётган жумҳуриятларда айни шу халқдан унинг розилигини сўраганлари йўқ. Ахир ҳеч ким ҳеч қаерда референдум ўтказмадигина эмас, ҳатто референдум ўтказишни таклиф ҳам қилмади. Бунинг устига турли баҳоналарни пеш қилиб, референдум ўтказишдан ўзларини четга олишга уринмоқдалар, ҳолбуки бундай ҳолларда референдум ўтказмай туриб, бирор қарор қабул қилиб бўлмайди. Ҳеч қандай ҳуқуқий ва сиёсий ўйинлар қутқара олмайди, бундай масалаларни ҳал этиш халқларнинг табиий суверен ҳуқуқи бўлиб, улар ўзларининг ана шу ҳуқуқларини талаб қиладилар, деб ўйлайман.

Федерациянинг эълон қилинган қоидаларини бузиш қандай оқибатлар келтирганлигини, барча халқларга жуда катта зарар етказганлигини биламиз. Лекин, аслини олганда, давлатимизнинг унитар тусда бўлиши иқтисодиёт бир-бирига ғоят қўшилиб кетишига, Иттифоқ доирасида меҳнатнинг ғоят чуқур тақсимланишига, жумҳуриятлар, регионлар ва айниқса, ишлаб чиқариш жамоалари ўртасидаги алоқаларнинг бир-бирига чатишиб кетишига олиб келди. Ана шу ҳақиқатни биз ягона халқ хўжалик комплекси деб атаймиз.

Ҳа, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда ҳам, меҳнат ва табиат ресурсларидан фойдаланишда ҳам жуда кўп янглишувларга, бузилишларга, хатоларга йўл қўйилди; оқибатини ўйламай, технократик ёндашувлар бир қанча ҳолларда оғир экология оқибатларини келтириб чиқарди. Шундай бўлди. Лекин ҳозирги вақтда барча жумҳуриятлар, мамлакат регионлари, меҳнат жамоалари чамбарчас боғлиқ эканлигини, аслида ажралган ҳолда иш тута олмаслигини ва ўз вазифаларини ҳал қила олмаслигини унутмаслик керак. Шугина эмас, уларнинг ўртасидаги алоқаларни бузиб ташлаш реакцион иш бўлиб, жаҳон иқтисодиётида, айниқса, Европа қитъасида кучайиб бораётган тамойилларга бутунлай зид бўлур эди. Бундай ҳол бутун мамлакат халқларининг ҳаётий манфаатларига жуда катта зарар етказган бўлур эди. Ҳатто катта жумҳуриятларда ҳам бошқалардан ажралган ҳолда ёки бошқалар ҳисобига иқтисодиётни тиклашга умид қилаётган кишилар жуда катта хато қилмоқдалар. Афсуски, ҳозирги пайтда кутилмаган жойларда ҳам ана шундай кайфиятлар пайдо бўлмоқда. Чет эллардаги кўпгина сиёсатчилар ва олимлар биздаги жаҳон яхлитлиги кучайиб бориши қонунларига қарамай, Совет Иттифоқи каби жаҳоншумул қудратли ижобий кучни сусайтиришга ва ожизлаштиришга тайёр турган кишиларнинг хатти-ҳаракатларига хавфсираш билан қараётганликлари бежиз эмас.

Ер куррасининг олтидан бир қисмини эгаллаб турган, ноёб табиат бойликларига ва ўзга бойликларга, улкан илмий, интеллектуал имкониятларга эга бўлган ҳудудимизда тараққиётнинг жўшқинлиги билан дунёни лол қолдиришга қодир бўлган, иштирок этадиган барча халқларга юксак даражада фаровонлик келтириши ва уларни гуллатиб-яшнатиши мумкин бўлган умумий бозорни барпо этиш имкониятидан ўзимизни ўзимиз нима учун маҳрум этаётганлигимизни чет элдагилар тушуна олмаяптилар.

Ёки бўлмаса мудофаа ва хавфсизлик, жаҳон ишларида Совет Иттифоқининг тутган ўрни масалаларини олиб кўрайлик. Ахир, жаҳонда юз берган ҳаётбахш ўзгаришлар кўп жиҳатдан буюк давлат бўлмиш Совет Иттифоқидаги қайта қуриш туфайли юз берди. Мен бирор кичик мамлакатни хафа қилмоқчи эмасман. Чунки, ҳар бир халқ ва ҳар бир давлат ҳурматга лойиқ. Аммо, табиийки, у ёки бу давлатнинг тарих тақозо этган роли билан боғлиқ ҳақиқат ҳам мавжуд. Бизнинг таъсиримиз шу билан изоҳланадики, қайта қуриш, инсонпарварлаштириш, демократиялаш, ижтимоий тузумнинг инсонга қаратилган имкониятларини рўёбга чиқариш улкан мамлакатда юз бермоқда. Лекин ўзларини катта демократлар ва халқ манфаатларининг ифодачиси қилиб кўрсатишга уринаётган кишилар бошқа нарсани эмас, балки айни ана шу кўп миллатли давлатни парчалаб ташлашни турлича шаклларда таклиф этмоқдалар.

Ишончим комилки, мамлакатимиз халқларигина эмас, шу билан бирга умуман жаҳон ҳамжамияти СССРнинг жаҳонда юз бераётган жараёнларга тобора кўпроқ ижобий ҳисса қўшишидан манфаатдордир. Лекин СССР ўзини ислоҳ қилиб ва янгиланиб, яхлит давлат сифатида ўзини сақлаб қолса ҳамда мустаҳкамласагина унинг жаҳондаги жараёнларга қўшадиган ижобий ҳиссаси кўпаяверади. Шунинг учун ҳам жумҳуриятларимиз Олий Советлари ва ҳукуматларидан халқаро соҳада улар билан марказ ўртасидаги вазифаларни тақсимлашга доир масалаларни кўриб чиқишда юксак масъулият, ҳар томонлама пухта ўйлаб иш тутиш талаб қилинади. Бошқа соҳаларда бўлгани каби халқаро соҳада ҳам уқувсизликка, юзакичиликка, шошма-шошарликка, айниқса, эҳтиросларга ва ҳар қандай нафсониятга берилиб кетишга йўл қўйиб бўлмайди. Айтилган бу гаплар Иттифоққа бирлашган давлатларнинг халқаро фаолият субъекти сифатидаги аҳамияти ҳозирги шароитда жиддий равишда ўзгариши лозимлигини истисно этмайди.

Мамлакат мудофааси — алоҳида масаладир. Чунки Совет Иттифоқи жаҳонда ядро қуроли бўлган давлат мақомига эга. У ядро қуроли имкониятлари жиҳатидан Қўшма Штатлар билан биргаликда бошқа барча давлатлардан ўнлаб баравар устун туради. Мамлакатнинг замонавий мудофааси бир-бирига боғлиқ мураккаб системадан иборат бўлиб, фақат Совет Иттифоқининг хавфсизлиги эмас, шу билан бирга ялпи хавфсизлик шу системага боғлиқ эканлигини ҳам эсда тутиш керак. Бошқа далилларни ҳам келтириш мумкин, лекин мамлакат мудофаасини муносиб даражада сақлаб туришдан биздаги барча халқлар манфаатдор эканлиги ва бунинг учун биргаликда куч-ғайрат сарфлаш талаб қилиниши равшан бўлса керак, деб ўйлайман. Бинобарин, мен ядро қуроллари потенциалини, шу билан бирга мамлакат мудофаасини бошқариш системасини — ҳаммаси бир-бирига боғлиқ бўлган ва яхлит ҳолда ҳаракат қилган тақдирдагина ўз вазифасини бажара оладиган мураккаб мажмуани кимдир бўлиб ташламоқчи бўляпти, деб ўйлаётганим йўқ. Агар биз тўсатдан бу ишда регионал тузилмаларни барпо этиш, мудофаани парчалаб ташлаш йўлига ўтсак, у ҳолда ўз хавфсизлигимизга путур етказибгина қолмай, бутун дунёда хавфсизликка ҳам зарар етказган бўлур эдик.

Ўртоқлар, куч-ғайратларни бирлаштириб, ҳамкорлик ва баҳамжиҳат ҳаракат қилиш йўли билангина ҳал этиш мумкин бўлган муаммолар ва вазифалар оз дейсизми. Энергетика ҳам, асосий транспорт тармоқлари ҳам, алоқа ҳам, экология хавфсизлиги ҳам, бошқа жуда кўп масалалар ҳам ана шундай муаммолар қаторига киради. Буларнинг ҳаммаси жиддий масалалар бўлиб, жиддий муносабатни талаб этади. «Кучли жумҳуриятлар — кучли марказ» деган ибора мустақил давлатлар иттифоқи сифатида янги Иттифоқимизнинг шаклланиши жараёнининг мураккаб диалектикасини акс эттириши ҳозироқ равшан бўлиб қолди. Бинобарин, биз кўп миллатли давлатимизнинг янги сифат босқичига ўтиши масалаларини тўғри ҳал қилиш учун тарихий масъулиятни ҳис этмоғимиз керак.

Энди халқаро сиёсатимиз тўғрисида. Унинг асосларига чуқур кириб боришга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Қайта қурилган ташқи сиёсатимизнинг сабаблари ва асослари сизларга, Совет Армиясининг офицерларига, генералларига маълум, деб ўйлайман. Россия Компартиясининг съездида, КПСС XXVIII съездида ташқи сиёсатимизни мақбул кўрмаслик, шу жумладан, айрим ҳарбийларнинг мақбул кўрмаслиги фактларига яна дуч келдик. Съездда эскича тафаккур давридан келган бу танқидга ўз муносабатимни билдирганимда, мени тушунгансизлар, деб умид қиламан. Сизларга маълумки, мамлакат раҳбариятининг тутган йўли съезд ҳужжатларида қўллаб-қувватланди, бундан олдинроқ янги ташқи сиёсат СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Совети томонидан тасдиқланган эди. Хуллас, ташқи сиёсий йўлимиз ҳозир қонунлаштириб қўйилган. Халқаро ишларга дахлдор бўлган барча босқичдаги давлат идоралари ўз кундалик фаолиятида бунга амал қилишлари шарт.

Сўнгги вақтда бу йўлнинг тўғрилиги яна бир бор рад этиб бўлмайдиган тарзда исботлаб берилди — бу «совуқ уруш»нинг тугаганлигидир. Бу соҳадаги иш «совуқ уруш»да қатнашган иккала томоннинг тантанали декларациялари билан чекланиб қолмади. Бундай йўлни тасдиқловчи реал ҳаракатлар яққол кўзга ташланиб турибди. Улар бизга етарли эмасдек, жаҳондаги сиёсий ва руҳий муҳитда юз бераётган чуқур ўзгаришларга мос эмасдек туюлиши мумкин. Лекин шунга қарамай, ядро қуролининг бутун бир тури қисқартириб ташлангани ҳам, стратегик ядро қуролларини, Европадаги оддий қурол-яроғларни қисқартириш, кимёвий қуролларни тақиқлаб қўйиш ва уларни йўқ қилиб ташлашга азму-қарорлар муқаррар тус олганлиги ҳам ҳақиқатдир.

Варшава Шартномасидан сўнг НАТО ҳарбий доктринасини қайта кўриб чиқиш жараёни бошланганлиги ҳам ҳақиқатдир. Ҳарбий блоклар ўрнига Европа қитъасида хавфсизликнинг умидбахш янги тузилмалари шаклланишига асос солинди. Бу улкан ўзгаришлар умуман халқаро вазиятни, Европа давлатлари билан муносабатларимизни, айниқса Совет—Америка муносабатларини бирмунча яхшилаш натижасида амалга оширилди.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, хавфсизлигимизни мустаҳкамлади. Эндиликда илгари асосан ишнинг ҳарбий томонидан иборат қилиб қўйилган ушбу тушунчанинг мазмунининг ўзини кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Ташқи сиёсатимизга қўшилмаётган ва уни тушунмаётган кишилар учун бу сиёсатнинг энг нозик жиҳати Шарқий Европадаги вазиятнинг ўзгарганлигидир. Аниқ-равшан нарсани тушунтириб ўтирмайман: бу ўзгаришларни куч ишлатиш йўли билан тўхтатишга ҳар қандай уриниш хавфсизликни мустаҳкамлашга олиб бормас эди, аксинча бизни НАТО билан тўғридан-тўғри ҳарбий можаро ёқасига олиб бориб қўйган бўлур эди. Ҳар ҳолда ана шу йиллар ичида халқаро муносабатларни соғломлаштириш ва амалий ҳамкорлик ўзанига ўтказиш учун қилинган ишни чиппакка чиқарган бўлур эди.

Бундай уринишларни ана шу мамлакатларнинг халқлари рад этишлари ва қоралашлари тўғрисида гапираётганим йўқ.

Келинг, ҳалол ва соғлом фикр юритайлик: Шарқий Европадаги воқеалар бошлангандан буён бизнинг хавфсизлигимизга путур етдими? Ишончим комилки, аксинча, хавфсизлигимиз тағин ҳам барқарор, ишончли асосларда мустаҳкамланиш истиқболига эга бўлди.

Кимларгадир нималарнидир тиқиштиришга уринишдан холи бўлган ўзаро ҳурматга асосланган яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш, бу муносабатларни манфаатларнинг мувозанати ва ўзаро манфаатдорлик асосига қуриш мафкуравий бирлик барча масалаларни ҳал этишимизни таъминлайди деб ўзимизни ўзимиз алдашдан кўра мураккаброқ, албатта. Амалда шундай бўлиб чиқдики, хўжакўрсинга дўстлик ва аҳиллик ниқоби остида чинакам зиддиятлар ва катта норозилик тўпланиб қолган экан. Ана шу зиддиятлар ва норозилик эртами кеч юзага чиқиши лозим эди. Олдинги муносабатлар аллақачондан буён на бизнинг, на қўшниларимизнинг туб миллий манфаатларига мос келарди.

Шу муносабат билан хавфсизлигимизга тағин ҳам кўпроқ тааллуқли бўлган алоҳида масала — Германиянинг бирлашиши масаласидир. Германия Федератив Республикаси — Европа қитъасидаги катта ҳарбий куч ҳисобланади. Бирлашган Германия эса жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан энг қудратли ва сиёсий жиҳатдан нуфузли давлатлардан бири бўлади. Бу муаммонинг ўзига хос жиҳати шундаки, бизнинг хавфсизлик концепциямиз кўп жиҳатдан айни шу Германия билан биз учун жуда оғир бўлган уруш оқибатлари ва сабоқларига асосланган эди. Лекин урушдан кейинги давр тугади. Олдин айтганимдек, Европа қитъасида туб ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Ана шу ўзгаришлар ўзанида ҳар иккала немис давлатида ҳам, шунингдек, улар билан бизнинг муносабатларимизда ҳам Германияни бирлаштириш мумкин бўлди, бу жараёнга биз ижобий муносабатда бўлдик.

Ҳаммаси асосли равишда ўйлаб кўрилди, бор ҳақиқат ҳисобга олинди. Хуллас, Германияни бирлаштириш масаласида биз ўтказаётган сиёсат бирдан-бир тўғри ва оқилона сиёсатдир. Биз Совет—Германия муносабатларининг келажагига ишонч билан қараймиз. Келгусидаги ана шу муносабатларнинг муҳим омили — ишонч палласи ўз вақтида ишга солинганлиги ҳам жуда муҳимдир. Биз иккала халқнинг, Европа ва бутун дунё халқларининг манфаатларини кўзлаб, ушбу буюк миллат билан нормал, ҳар томонлама яхши қўшничилик муносабатларига эга бўла оламиз, бунга ишончим комил.

Ироқнинг Қувайтга қарши бошлаган тажовузкорлигига нисбатан СССР тутган позицияни ҳам жаҳондаги туб ўзгаришлар муносабати билан ва янги ташқи сиёсий йўлимизга мувофиқ равишда кўриб чиқиш лозим. Аслини олганда, кўпчилик давлатлар каби бизда ҳам танлаш учун йўл қолмади. Давлат чегараларини ўзгартириш учун, бунинг устига мустақил мамлакатни ўзига қўшиб олиш мақсадида куч ишлатиш бутун жаҳон ҳамжамияти учун хатарли бўлган воқеалар занжирини келтириб чиқариши мумкин. Тажовуз биз Ироққа унинг мудофаа қобилиятини сақлаб туриш учунгина рози бўлиб сотган қуролимиз ёрдамида амалга оширилганлиги учун ҳам бошқача йўл тутишимиз мумкин эмас эди. Биз бу қуролларни бошқа мамлакатлар ҳудудларини ва бутун-бутун давлатларни босиб олиш учун сотмаганмиз. Ҳиёнаткорлик қилинди, халқаро ҳуқуқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави сурбетлик билан топталди. Хуллас, ҳозир жаҳон ҳамжамияти маърифат дунёсини тинч тараққиёт йўлига ўтказишга интилиб, бутун умидини боғлаган нарсалар топталди. Шу сабабли уруш ҳаракатларини тўхтатибгина қолмай, унинг бошқа мамлакатларга тарқатилишига йўл қўймаслик муҳимдир, халқаро ҳуқуққа ҳурмат тикланиши муҳимдир. Бу соҳада биз араб давлатларининг, араблар регионал ташкилотларининг ақл-идрокига ва масъулиятига умид қиламиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, Хавфсизлик Кенгашининг ваколатларига ва ҳуқуқларига асосланамиз. Бинобарин, бу можарони бартараф этиш юзасидан жамоа бўлиб куч-ғайрат сарфлаш доирасида ҳаракат қилиш тарафдоримиз. Бу можаронинг тағин ҳам хавфлироқ бўлган миқёсда ҳарбий тўқнашувга айланиб кетишининг олдини сиёсий йўллар билан олиш тарафдоримиз.

Ҳарбий сиёсат масалаларига тўхталиб ўтаман. Қуролли қарама-қарши туриш асосий йўлидаги вазият тубдан ўзгарди. Биз жаҳон уруши бўлиши ёки бўлмаслиги белгиловчи даражада боғлиқ бўлган давлатлар ҳарбий сиёсати ўзаро боғлиқлигининг янги сифати томон бормоқдамиз. Совет Иттифоқига қарши уруш бошлашнинг бевосита хавфи қолмади. Лекин бу бизга қудратли, замонавий қуролли кучлар энди керак эмас, деган маънони билдирмайди. Бирорта катта давлат, айниқса БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлат ҳозирча мамлакатнинг жаҳондаги аҳволига, унинг жаҳон сиёсатидаги ролига мос келадиган қуролли кучларсиз яшай олмайди. Бунинг сабаби яна шундаки, биз ҳаддан ташқари кўп қурол-яроғ, шу жумладан бутун маърифатли дунёни, ер юзидаги ҳаётнинг ўзини йўқ қилиб ташлашга қодир бўлган мутлақ қуроллар деб аталган қуроллар тўпланиб қолган дунёда яшамоқдамиз.

Қурол-яроғларнинг ҳаддан ташқари кўплиги бизни қуролсизланиш йўлига қатъий ўтишга ундади. Жаҳон ишларига янгича ёндашувларимизни бутун дунёда, шу жумладан етакчи ҳарбий давлатлар ижобий кутиб олдилар. Биз ишни қурол-яроғларни чинакам қисқартириш сари қатъият билан олиб борамиз. Бу жараён жуда қийин, лекин инсониятнинг зўравонликсиз, ядро қуролисиз дунё сари ҳаракат қилиши нуқтаи назаридан ҳам, катта иқтисодий, ижтимоий ва маънавий муаммоларни ҳал этишда ички эҳтиёжларимиз нуқтаи назаридан ҳам зарур жараёндир.

Биз юксак масъулият билан, давлатнинг ишончли хавфсизлигини ҳамиша ёдда тутиб ҳаракат қиламиз. Бу — қуролсизланиш жараёни барча босқичларда мутаносибликка қатъий риоя қилиш асосида, тенг асосда бориши лозим демакдир. Ўртоқлар, аслида ҳозироқ бошланган ҳарбий ислоҳотга ҳам шу айтилган гапларни ҳисобга олиб ёндашмоқ керак.

Энг аввало ҳарбий ислоҳот бизга нима учун зарур? Одатда бундай ислоҳот урушдан кейин ўтказилади. Тўғри, ҳозир ҳам ўзига хос тарзда шунга ўхшаш нарса бор. Чунки бизнинг ҳозирги қуролли кучларимиз «совуқ уруш»даги вазифаларни ҳал қилиш учун барпо этилган. Энди эса «совуқ уруш» тўхтади, бинобарин, табиийки, ислоҳот зарурати туғилди. Биз ўз ҳарбий доктринамизни ўзгартирдик, шунга мувофиқ равишда қуролли кучларимиз ички тузилишини ҳам ўзгартиришимиз лозим. Юқорида айтганимдек, бу иш бошланиб кетди.

Ислоҳот доирасида қандай аниқ вазифаларни ҳал қилиш керак? Биринчидан, яқин келажакда миқдори ва сифати жиҳатидан қандай қуролли кучлар талаб қилинишини белгилаб олиш керак. Бунинг учун АҚШ, НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар каби давлатларнинг, шунингдек Япония, Хитой, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, бир қанча араб давлатлари, Исроил, Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг ҳарбий доктриналарига, уларнинг ҳарбий фаолияти йўналишларига ва олдиндан билиш мумкин бўлган тамойилларига янги маълумотлар асосида баҳо бермоқ керак. Ана шу мамлакатларнинг 90-йилларда ўз қуролли кучларини ривожлантириш режаларини имкони борича аниқ билиш зарур. Шундан келиб чиқиб, СССР мудофаасини таъминлашнинг мақсадлари ва вазифалари, умуман йўналишлар бўйича қуролли кучларнинг сони белгилаб олиниши лозим.

Иккинчидан. Айтилганларни назарда тутиб, армия ва флотнинг ички тузилишини белгилаб олиш керак. Ҳозир бизда Қуролли Кучларнинг беш хил тури бор. Келгусида уларнинг ҳаммаси зарурми, зарур бўлса қанчалик зарур? Ҳар бир турнинг тутган ўрни қандай ўзгариши керак? Буни ҳам ҳарбий ислоҳот аниқлаб бериши лозим.

Учинчидан, янги, оқилона негизда, мудофаа учун етарлилик доктринасига қатъий амал қилган ҳолда мудофаага: армия ва флотни сақлаб туришга ҳамда уларнинг жанговар тайёргарлигини таъминлашга; илмий тадқиқот ишларига; қурол-яроғлар ва ҳарбий техника туркумларини етказиб беришга, шахсий состав ва офицерлар оиласини маиший жиҳатдан таъминлашга, уй-жойлар қуриш ва уларни сақлаб туришга, армияга маданий хизмат кўрсатишга ва шу кабиларга қандай молиявий ва моддий ресурслар ажратилиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқиш лозим.

Яқин вақт ичида молиявий ва моддий масалаларни ҳал қилиш чоғида қўшинларни чет мамлакатлардан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ вазифалар ҳам ҳисобга олиниши керак. Бу жуда катта ижтимоий ва давлат аҳамиятига молик муаммо бўлиб, ҳозир ҳам, келажакда ҳам қўшинларимизнинг маънавий руҳи шу муаммонинг қандай ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бошқа нуқтаи назарга мувофиқ, аскарлар, сержантлар ҳам кадрлардан иборат бўладиган кўнгилли профессионал армияга ўтиш пайти келди.

Бешинчидан, хизматнинг қандай қоидасини жорий этишни — миллий-территориал ёки экстерриториал, Умумиттифоқ қоидани жорий этиш керакми, балки иккала ёндашувни қўшиб олиб бориш керакми — ҳал этиш лозим.

Бу муаммонинг ҳарбий ислоҳот давомида ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим қисми, холос. Ҳарбий ислоҳот концепциясини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилмоқда. Сентябрь ойида биз бу концепцияни Президент ҳузуридаги Мудофаа кенгашида кўриб чиқамиз ва уни узил-кесил ишлаб чиққандан сўнг СССР Олий Советига тақдим этамиз. Ислоҳотни амалга ошириш 1991 йилдан бошланиши кўзда тутилмоқда.

Сиёсий ва ҳарбий раҳбариятнинг ўзаро муносабатлари ва биргаликдаги иши тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Ўзаро муносабатлар нормал, иш омилкорлик билан бормоқда. Олдин айтганимдек, Президент ҳузурида янгиланган тусда Мудофаа кенгаши тузилган бўлиб, унда ҳарбий фаолият ва Қуролли Кучлар қурилишининг барча масалалари муҳокама қилинади ва кўриб чиқилади. Мудофаа кенгаши СССР Олий Советининг тегишли комитетлари билан биргаликда баҳамжиҳат ҳаракат қилади.

Ниҳоят, яна бир мавзуга тўхталмоқчиман. Эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қуролдош ўртоқларнинг қардошлик муҳити ҳамиша Совет Армияси матонати ва кучининг гарови бўлиб келган. Армия жамоаларида ўзаро ёрдам ва ўзаро мадад, бир-бирига амали ва унвонига қарамай эътибор билан муносабатда бўлиш руҳи сингдирилиши керак. Қийинчилик билан бўлса-да, соғломлаштириш жараёни бошланди, бу жараённи чинакамига авж олдириб юбориш учун командирларнинг ҳам, Армиядаги сиёсий органлар, партия ва комсомол ташкилотларининг ҳам барча имкониятларидан фойдаланиш керак. Ҳарбий хизматчилардан жуда кўп хат келаётганлиги, бу хатларда улар армия ички муносабатларидаги камчиликларни танқид қилиш билан бирга генераллар ва офицерларнинг обрў-эътибори баландлигини кўрсатувчи жуда кўп мисолларни келтираётганликлари менга маъқул бўлмоқда. Биз армиядаги янги ички муносабатларга ўтиш жараёнларини тезроқ босиб ўтишимиз лозим, бунинг учун армияда ҳамма имкониятлар бор.

Кадрлар масалаларини тўғри ҳал қилиш, бу ишдаги принципиаллик, ҳарбий хизматчиларни маиший жиҳатдан таъминлаш, уларга ғамхўрлик қилиш катта аҳамиятга эга. Взводлар ва роталар, батальонлар, полклар даражасидаги офицерларнинг бир қисмида уларнинг қонуний равишда юқори лавозимларга силжишлари ва ўсишлари учун кимдир тўсқинлик қилмоқда, деган таассурот пайдо бўлган. Кадрлар билан боғлиқ сиёсатда камчиликлар бўлса ҳам, шунга қарамай, бу сиёсат мудофаа министрининг таъсири билан ўзгара бошлади. Мен ушбу учрашувда айтилган фикрларни табриклайман. Ёшларни дадиллик билан юқори лавозимларга қўйиш, ҳарбий ишга содиқ ва бу ишни яхши кўрадиган истеъдодли кишиларга кенг йўл очиб бериш даркор. Шу билан бир вақтда енгил-елпи хизмат қиладиган, чинакам ҳарбий киши чиқмайдиган одамларни бир кун ҳам ушлаб турмаслик керак. Бундай кишилар армиядан кетсалар афсусланмаслик лозим. СССР Қуролли Кучлари офицери ва умуман ҳарбий хизмат обрўсини сақлаб туриш ва мустаҳкамлаш умумхалқ вазифаси, давлат вазифасидир. Бинобарин, бизнинг бу гапларимиз жамиятга етиб боради, деб умид қиламан.

Сўзимнинг охирида яқин бир-бир ярим йил биз учун қийин давр бўлишини айтишим керак. Бу қийинчиликларга бардош бериш, мамлакат тарихида катта ва, ишончим комилки, шонли истиқбол сари йўлаги ушбу тик довондан муносиб равишда ўтиш лозим. Ҳарбий меҳнатингизда сизларга муваффақият тилайман.

• Жумҳурият Олий Совети комитетларида

ЕР ВА ЭЛ ТАШВИШИДА

• Ўз шахсий хўжалигига эга бўлишни хоҳлаган барча жиззахликлар ер олишди. Ҳатто бунга умиди бўлмаган кишилар ҳам, кутилмаганда умидлари рўёбга чиққанидан хурсанд бўлишди... Бунга ишониш қийин, албатта. Илгари бунинг акси бўларди: одамлар ойлаб идорама-идора қатнашар, ўзларига тегишли ер берилиши учун ҳаракат қилишар, охир-оқибатда тинкалари қуриб, ҳафсалалари пир бўларди. Энди эса, марҳамат, олинг, дейишяпти. Фақат битта шарти бор: ер бўш ётмаслиги керак.

ХЎШ, бунга нега ажабланишимиз керак? Биз «идора» деб аталган бошқармалар, уларнинг бошлиқларига нисбатан ортиқча раҳмсизлик қилмаяпмизми? Кўпгина маҳаллий маъмурлар, хўжаликларнинг раҳбарлари, ер тузувчилар қарорни амалга ошириш учун етарли даражада ғайрат кўрсатганликларидан қувонсак арзийди. Ана шу қарор бажарилиши натижасида минг-минглаб қишлоқ аҳолисининг орзулари ушалди.

Парламентнинг Деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги комитетининг кўчма мажлисида қатнашган халқ депутатлари қайта қуриш даврининг ҳаётимизга олиб кирган ана шу аломатларини мамнуният билан қайд этдилар.

Мажлис Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳурият Олий Совети Президиуми ва ҳукумати 1989 йил август ойида қабул қилган қарорининг бир йиллиги кунида ўтказилганлиги диққатга сазовор бўлди. Ўшандан бери Жиззах вилоятида 68744 оила шахсий хўжалик юритиш ва уй-жой қуриш учун ер олди ёки ўз ихтиёридаги мавжуд ерларни кенгайтиришга муваффақ бўлди. 12699 гектар суғориладиган ер уларнинг тасарруфига берилди.

Қадоқ қўллар ғамхўрлигини сезган замин шунга яраша жавоб қайтарди. Кичик далаларда униб чиққан дастлабки экинлардан мўл ҳосил етиштириш умиди пайдо бўлди. Бу эса матлубот кооперацияси билан шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари ўртасида тузилган шартномаларда ўз ифодасини топди. Шахсий хўжаликларнинг эгалари 40 минг тоннага яқин сабзавот, 13 минг тонна картошка, 66 минг тонна қовун ва тарвуз, 596 тонна хилма-хил мева, 100 тонна узум етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Вилоят шахсий хўжаликлари умумий дастурхонимизга ҳали ҳеч қачон бу даражада сабзавот ва мева маҳсулотлари етказиб беришмаганди. Гарчи тўла мўл-кўлчилик ҳақида гапиришга эрта бўлсада, бу ердаги бозорларда ўзгаришлар бўлганлиги кўзга ташланмоқда: нарх-навони барқарорлаштириш билан бирга, бир қанча ҳолларда ўтган йилга нисбатан арзонлаштиришга ҳам эришилди.

Етиштирилган ҳосил Жиззах деҳқонларига, қишлоқ аҳолисига ўзи етиштирган ҳосилнинг ортиқчасини — боғлар, полизлар, токзорларнинг неча ўн минглаб тонна маҳсулотларини дўконлар ва бозорларда сотиш учун ажратиш имконини берди.

Бинобарин, бу ҳали ишнинг бошланиши, холос. Жиззах вилоятида кичик фермаларнинг имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ. Кўчма мажлис қатнашчилари ана шу нарсага эътиборни қаратдилар.

Бу ўринда Жиззах учрашувининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида бир неча оғиз сўзлашни хоҳлардик — унда сабоқ олса арзийдиган кўп жиҳатлар бор. Мажлисга тайёргарлик кўришда, дастлабки манбаларни ўрганишдан то уни ўтказгунгача амалга оширилган тадбирлардан ҳар қанча ўрганса арзийди.

Жиззахда мажлис бошланишидан бир ой илгари тоғолди ва чўл зоналарига, суғориладиган ҳамда адир ерларга парламент комитетининг котиби И. Ғ. Бурхонов раҳбарлигида депутатлар, олимлар, жумҳурият идоралари ходимларининг гуруҳи жўнаб кетди. Вилоят ва район ташкилотларининг мутахассислари жойларда уларга қўшилишди.

Совхоз ва колхозларга биргаликда сафар қилиш кўп нарсаларни аниқлаб олишга имкон берди — орадан бир ой ўтиб, комитет мажлиси очилганида, кўрсатилган бир қанча камчиликлар бартараф этилганлиги, аҳвол эса ўнглана бошлаганлиги маълум бўлди.

Бинобарин, агар вазиятга талабчанлик билан жиддий баҳо бериладиган бўлса, бу борада ҳали кўп иш қилиш керак. Комитет аъзолари маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ва ер идоралари одамларга ер ажратиб беришни тезлаштиришга тайёр эканликлари учун уларни мақтаб, айни вақтда кампаниябозлик кўринишлари борлигига эътиборни қаратдилар.

Бир қанча Советлар ва хўжаликлар ер ажратиб бериш тугагани хусусида тезроқ ҳисоб беришга шошилдилар, «вилоят миқёслари»да оз бўлса ҳам камчиликларга йўл қўйдилар, ўнлаб янги ёш оилаларнинг эҳтиёжларига қулоқ осмадилар. Шундай қилиб, ёш оилаларга уй қуриш ҳамда ёрдамчи хўжалик учун ер ажратилиши хусусида ортиқча ташвиш чекишга тўғри келди. Бу иш ҳеч қачон тугалланмаслиги кўриниб турибди. Чунки янги-янги оилалар пайдо бўлади, бинобарин, янги-янги эҳтиёжлар ҳам...

Ҳамма нарсада қонун руҳи ва ҳарфига қатъий риоя этиш зарурлиги хусусида ҳам эслатиш керак бўлиб қолди. Бир қанча ҳолларда ер ажратиб бериш тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган. Бу майдагаплик, расмиятчилик деб ўйлайсизми? Асло ундай эмас.

Чунки ер одамларга бир умрга берилишига ишонч ва умид йўқ. Янги боғлар барпо этиш, янги жойларда иморатлар қуриш хусусидаги оғзаки ва ҳатто ёзма рухсатномаларга ишониб бўлмайди — ер эгасига уни ҳам хатолардан, ҳам зўравонликдан ҳимоя қилувчи ҳуқуқий кафолатлар керак.

Чунончи, аҳолидан пул йиғиб олиш ҳоллари ҳам бўлганлиги очиб ташланди. Район ижроия комитетлари ҳузурида тузилган якка тартибдаги қурилиш ишларини мувофиқлаштирувчи хўжалик ҳисобидаги бўлимлар ер ажратиб берилганлиги ҳақида ҳужжат тўлдириш учун одамлардан асоссиз равишда 68 сўмдан пул олганлар... Зомин районидаги хўжалик ҳисоби бўлими ишчи лойиҳаси нархини бир неча баравар қимматлаштириб юборган.

Шахсий ерни нотўғри расмийлаштириш аянчли можарога сабаб бўлиши, кутилмаган ташвишлар келтириши мумкин. Демак, ушбу жараённи ҳар томонлама тезлаштирар эканмиз, барча қоидаларга аниқ риоя этишимиз зарурлигини ҳам ёдда тутмоғимиз лозим. Масалан, ернинг янги эгаси тегишли ҳужжатларсиз, участканинг тасдиқланган планисиз уни рўйхатдан ўтказа олмаслигини, банкка қарз сўраб мурожаат эта олмаслигини, қурилиш материалларини ғамлай олмаслигини эслатиш керакмикан?! Ахир, тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар билан ҳам ҳамма вақт ўзингга керакли материалларни топавермайсан. Шундай қилиб, Санзор қишлоқ Советида ёғоч-тахта ажратиш тўғрисидаги 109 та тавсиянománинг атиги 42 таси қондирилган.

Деҳқончилик банкининг айрим муассасаларида қарзлар билан боғлиқ масалаларни ўзбошимчалик билан ҳал этишмоқда. Банкнинг Зомин район бўлимида агрономга 20 минг сўм, қурилиш бўлинмаси бошлиғига 15 минг сўм, ишчига эса... атиги 4 минг сўм миқдорида узоқ муддатли қарз берилган.

Яна бир масала бор: ер ажратиб беришнинг ҳуқуқий жиҳатини олайлик. У район ва қишлоқ Совети, колхоз ва совхоз раҳбарларига уларнинг ер эгаси олдидаги мажбуриятларини эслатиб туради.

Айни вақтда, бир қанча ҳолларда шахсий хўжаликларга ноқулай, яхши текисланмаган, суғориш ва ичиш учун суви бўлмаган, йўллари, электр нури ва гази йўқ ерлар ажратилган.

Шахсий хўжаликларнинг қўрғонлари бундай қулайликларсиз ўз жозибасини йўқотади. Кичик ферма хўжалик имкониятларининг каттагина қисмидан маҳрум бўлади. Жумладан, Зарбдор районидаги «Ударник» совхозида томорқа ерларини кенгайтириш учун ажратилган 120 гектар, Зомин районида эса ана шу мақсадга кўзланган 894 гектар ердан шу сабабларга кўра фойдаланилмаяпти.

Томорқа ерлари ажратиб бериш борасидаги бир қанча аниқ-равшан тадбирлар Ўзбекистон ССР Президентининг қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш, улар хўжалигини йўлга қўйишга бағишланган фармонларида белгилаб берилган. Бинобарин, Жиззах вилоятида бузоқ ва паррандага бўлган эҳтиёж яхши қондирилмаяпти. Аҳолига озуқа учун дон, аралаш ва ширали ем сотиш топшириқлари бажарилмади.

Музокара чоғида камчиликларни бартараф этиш тадбирларини режалаштириш билан бирга уй-жой қураётганлар, кичик ферма лар эгаларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида бир қанча қизиқарли таклифлар ҳам айтилди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари — В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими ҳайъатининг раиси Ш. А. Акмалхонов, Хўжаобод район ижроия комитетининг раиси Ю. Н. Раҳмонов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Кенгаши Раисининг муовини К. Сарсенов, Фарғона вилоятидаги «Бешариқ» совхозининг директори Т. Баркашев ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Бир қанча аниқ-равшан маслаҳатлар бердилар.

Жиззах вилоят Совети ижроия комитетининг раиси У. З. Олимов яқин йиллар ичида вилоят якка тартибдаги қурилиш учун деворбоп ва ҳатто ёғоч материалларга бўлган ўз эҳтиёжини қондиради, деб ҳисоблайди. Колхоз ва совхозларда кичик ғишт заводлари очиш, маҳаллий ўрмон хўжаликлари негизида эса тез ўсадиган теракзорлар барпо этиш режалаштирилган. Маълумки, теракдан қадим-қадимдан бизда фойдаланиб келинган. Бошқа вилоятларда ҳам шу ҳақда ўйлаб кўришса арзирди.

...Яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтмоқчимиз: деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги парламент комитетининг раиси А. Х. Тошкенбоев олиб борган мажлисга вилоят кенгашининг деҳқончилик масалалари ва сув хўжалиги комитети ходимларининг ҳаммаси, район ва бир қанча қишлоқ Советларининг раҳбарларини таклиф этишди. Шундай қилиб, халқ депутатлари даражасидаги «катталар» тажрибаси жиззахлик ҳамкасбларнинг мулкига айланди.

Қонун чиқарувчи олий идоранинг яна бир вазифаси — маҳаллий Советларга амалий ёрдам кўрсатиш шу йўсинда бажарилди. Улар эса ўз планларига Жиззах вилоятининг айрим районлари ва қишлоқларидаги шахсий ёрдамчи хўжаликларда рўй берган вазиятни изчил ўрганиш режаларини киритдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

● Жумҳурият ҳукуматининг автомобиль ва темир йўл транспорти ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирлар тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг мажлисида муҳокама қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи муовини Д. Д. Берков бошқарди.

Бу борадаги ишлар қониқарсиз олиб борилаётганлиги, натижада ҳаракат хавфсизлигининг аҳволи мушкул бўлиб қолаётганлиги таъкидланди. Ўтган икки ярим йил ичида 40,3 минг марта авария бўлганлиги рўйхатга олинди, 7 мингга яқин киши ҳалок бўлди ва 43 мингдан ортиқ киши турли даражада жароҳатланди.

Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида бу йўналишдаги ишлар ёмон олиб борилмоқда. Давлат қишлоқ хўжалик кооператив комитети, Маданият министрлиги, Енгил саноат, Соғлиқни сақлаш, Маориф министрликлари, Ўзбекбирлашувга қарашли транспортда авариялар жуда кўп содир бўлди.

Мажлисда автомобиль йўллари қурилиши министрлиги, Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари йўлларга яхши қарамаётганлиги ва улардан ёмон фойдаланаётганлиги, Алоқа министрлиги эса автомобиль йўлларини алоқа воситалари билан таъминлаш вазифасини бажармаганлиги таъкидланди.

Автомобиль ойналари давлат стандарти қоидалари қўпол равишда бузилиб, бўялиши натижасида йўл ҳаракати хавфсизлигига катта зарар етмоқда.

Жумҳурият Соғлиқни сақлаш министрлиги автомобиль фалокати оқибатида жабрланганларга тез ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни суст ҳал этмоқда. Автокорхоналарда тиббий ходимлар кўпинча юзаки иш юритмоқдалар.

Комиссия Ўрта Осиё темир йўли ва жумҳурият Автомобиль йўллари қурилиши министрлигининг раҳбарлари темир йўллардан ўтиш жойларида ҳалигача ҳаракат хавфсизлигини таъминламаганликларини уқтирди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган 113 та темир йўлдан ўтиш жойлари аттестациядан ўтмади. Катта корхоналар, савдо базалари, жумҳурият министрликлари ва идораларининг ёғоч омборларига олиб борадиган шохобча йўлларда жойлашган темир йўлдан ўтиладиган ерларда оғир аҳвол юзага келди. Уларнинг раҳбарлари ўтиш жойларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир ишларни ташкил этишни назорат қилишдан амалда четлашганликлари, камчиликларни тугатишга доир чора-тадбирлар кўрмаётганликлари сабабли шундай бўлмоқда.

Текшириш якунлари бўйича жумҳуриятда автотранспорт аварияси билан боғлиқ аҳволни чидаб бўлмайдиган аҳвол деб эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига Давлат автоинспекциясининг аварияга қарши курашда ижобий натижаларга эришаётган ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш учун қўшимча маблағлар излаб топишга доир таклифларни жумҳурият Министрлар Совети муҳокамасига киритиш таклиф этилди. Давлат автоинспекциясини йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима тариқасида олинадиган пул маблағларини жалб этиш ҳисобига автотранспорт, алоқа воситалари, бошқа замонавий техника билан жиҳозлаш зарур, деб топилди.

Комиссия Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига идораларга тегишли автокорхоналарда диагностика ва ремонт базасини вужудга келтириш, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказадиган табобат пунктларини очиш, идоравий ҳаракат хавфсизлиги хизмати ишини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўришни топширди. Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига йўл ҳаракати хавфсизлигини оширадиган техникавий воситалар қандай жорий этилаётганлиги устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, шу йил охиригача темир йўллардаги барча ўтиш жойларини зарур ҳолатга келтириш топширилди.

(ЎзТАГ).

• Муштарийлар хатларидан

ЯНГИ ТУҒУРУҚХОНА

Наманган шаҳридаги Совет ноҳиясида янги туғуруқхона ишга туширилди. 120 ўринли янги туғуруқхона хотин-қизлар консультацияси, ҳомиладорлик пайтида даволаш бўлими, физиология ва туғуруқхонадан иборат бўлиб, бу наманганликларнинг саломатлик дастурининг амалга оширишда тинмай изланаётганликларидан далолатдир.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

БЕҲУДА КЕТГАН ВАҚТ

Ўтган йили Андижон шаҳридаги 9-ўрта махсус техника билим юртининг 32-гуруҳ талабалари тикувчилик мутахассислигини эгаллаш мақсадида Жиззахдаги ипйигирув фабрикасига йўл олдилар. Лекин фабрика маъмуриятининг ёшларга эътиборсизлиги туфайли улар ип йигирувчи бўлиб ишладилар. Талабаларнинг эътирозларига жавобан мутахассислик дипломига қўшимча ип-йигирувчилик мутахассислиги ҳам ёзилишини ваъда беришди. Афсуски, ғалвир сувдан кўтарилганда уларга фақат тикувчи деган диплом берилди, холос. Талабаларда тикувчилик бўйича кўникма эса йўқ. Бу ўз касбига совуққонлик билан қараш эмасми?

М. АКБАРОВ,
Андижон ноҳиясидаги «Ямбол» давлат хўжалиги.

...МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан матбуотда донишмандларнинг панд-насиҳатлари, тарбияга оид ҳадислар эълон қилинмоқда. Бу, шубҳасиз, фарзандларимизнинг ҳаётда тўғри йўлни танлашлари, жамиятда фаол инсон бўлиб етишишларига хизмат қилаётир.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Ёшларнинг Европа мусиқасига билиб-билмай эргашиш ҳоллари учраяпти. Миллий мусиқамизга эса эътибор суст. Оқибатда бой мусиқий меросимиздан бебаҳра бўлиб қолаётирлар. Шунинг учун ҳам фарзандларимизга миллий руҳнинг асосий омилларидан она тилга эътибор, миллий мусиқага бўлган қизиқишни, боғча-яслилар, мактаб партасиданоқ бошлаш лозим. Зеро, келажакка дадил қадам ташлаш учун ўтмишни чуқур билиш керак.

В. СОБИРОВ,
меҳнат кексаси.

...МУАММО ҚЎЯДИ

ШИФОБАХШ БУЛОҚЛАР ҚАНИ?

Қадимдан ота-боболаримиз сувни, айниқса, булоқларни авайлаб сақлаганлар. Чунки улардан чиққан тоза сувни минг бир дардга даво деб билганлар. Бир кичик булоқ кўзи очилса, унинг атрофини дарҳол тозалашган. Бу ердан ўтган йўловчи булоқ бошида дам олиб, сувидан ташналигини қондирган. Биз таърифлаган ана шундай булоқлар — Қарнаб қишлоғининг ўзида ўнлаб топиларди. Ҳозир-чи?

Афсуски, ҳозирги кунда неча йиллардан буён қайнаб тошган — Қайнарбулоқ, Енбулоқ, Бучуқтазор, Артелтазор, Кўтарматазар каби зилол булоқлар йўқ бўлиб кетди.


Советобод ноҳияси ҳудудида Навоий кон-металлургия комбинатининг Қарнаб кони жойлашган. Кон ишга туширилиб, кўплаб артезиан қудуқлари қазилди-ю, бирин-кетин булоқлар қурий бошлади. Ҳозирга келиб эса артезиан сувларининг ҳам таркиби бузилди. Сув юзида пуфакчалар ҳосил бўлиб икки-уч кундаёқ айниб, таъми ўзгаряпти.

Афсуски, бу мушкул вазият Самарқанд вилояти эпидемиология станциясидаги мутасаддиларини асло ташвишга солмаётир.

Бугунги кунда экологик вазиятни барқарорлаштириш, инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек долзарб масалани унутиб қўяяпмиз. Худди ана шу масаланинг қай йўсинда ҳал этилиши келажагимиз тақдирини ҳал қилади.

Д. АБДУЛЛАЕВ,
Советобод районидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси.

(Давоми тўртинчи бетда)



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Шовот районидаги СССР 60 йиллиги номли совхоз деҳқонлари эл дастурхонига кунига 100 тоннадан зиёд картошка етказиб беришмоқда. Умуман, хўжаликда бу йил картошкадан мўл ҳосил етиштирилди. Шомурод Отамуродов етакчилик қилаётган бригада эса барча кўрсаткичлар бўйича олдинда бораётир. 36 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 200 центнердан ҳосил олишаётир. Суратда: шу бригада аъзоси Гулимбой Бердиев иш устида.

Қ. ОТАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

ҚИШГА ТАЙЁРМИЗМИ?

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Чунончи, Тошкент вилоят ижроия комитетида (Л. П. Тернових) маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг фаолияти аниқ-равшан мувофиқлаштирилмаган, натижада шаҳар ва районларнинг кўпчилигида ҳудудларни қишга тайёрлаш юзасидан аниқ бир мақсадга йўналтирилган ишлар ўз вақтида бошланмаган. Июль ойининг бошларида уй-жой-коммунал хўжалигида шу даврга режалаштирилган 969 та уйнинг 756 таси иситиш мавсумига тайёрланган, Тошкент вилоят коммунал-иссиқлик энергияси бошқармаси қозонлар ремонти ва иссиқлик шоҳобчаларини гидравлик усулда синовдан ўтказиш планларини барбод қилди.

Вилоятда 136 та мактабнинг атиги 38 таси, 78 та мактабгача болалар муассасаларининг атиги 25 таси ремонтдан чиқарилган, мазкур муассасаларни табиий газ, суюқ ёқилғи, кўмир фондлари билан таъминлаш масалалари ҳал этилмаган.

Вилоят қишлоқларида 1989 йилда аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун 33 мингта ер участкаси ажратиб берилди, уйларнинг бир қисми бу йил бунёд этилмоқда, кўплаб янги посёлкалар қурилмоқда. Бинобарин, ана шу посёлкаларни қиш даври бошлангунича электр энергия, сув, ёқилғи, бинокорлик материаллари, автомобиль йўллари, умумпосёлка иншоотлари ҳамда инженерлик коммуникациялари билан нормал таъминлаш борасида амалда иш олиб борилмаяпти.

Вилоят ижроия комитети, унинг бўлимлари, шаҳар ва районларнинг ижроия комитетлари Янги Ангрен, Тошкент, Ангрен ГРЭСи, «Ангрен» кони, 9-шахта сингари ёқилғи энергетика комплексининг катта иншоотларини қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлаш борасидаги ишларни суст назорат қилмоқдалар.

Мажлисда Тошкент шаҳар ижроия комитети шаҳар хўжалигини қишга тайёрлаш масалаларига катта эътибор бераётганлиги таъкидланди. Бироқ бир қанча тадбирлар белгиланган муддатларда бажарилмасдан, орқага сурилмоқда.

Мажлисда министрликларнинг раҳбарлари ҳам ҳисоб бериб, қатъий синовдан ўтишга мажбур бўлдилар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети, Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, Ўзбекистон паррандачилик саноати бирлашмасининг кўпгина корхоналари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Ленинск прицеплар заводи, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ, Наманган кимё заводлари, Ўзбекистон металлургия заводи, Самарқанддаги «Гелион» заводи ёқилғи ғамланадиган идишларни тўлдирмаганлар.

Энергетика ва газ комплекслари объектларини кузги, қишки даврда барқарор ишлашга тайёрлашда жиддий қолоқликка йўл қўйилмоқда. «Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазгазпром», «Узбекгидроэнергострой», «Средазэлектросетьстрой» трестлари, «Средазнефтегазстрой» бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой»да улар қурилишда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш юзасидан шошилинч чоралар кўрилмаяпти. Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги системасида ҳам худди шундай вазият вужудга келди. Чунончи, бу йил мавжуд 2875 та қозондан фақат 10 тасини капитал таъмир қилиш кўзда тутилмоқда, июль ойигача эса улардан фақат иккитаси таъмир қилинган. Уй-жой фондидаги иссиқлик тармоқларини тайёрлаш ҳам орқада қолмоқда. Фарғонада, Бекободда қозонхоналар қурилиши суст олиб борилмоқда.

Тошкент вилоят ижроия комитетининг кузги-қишки даврда барқарор ишлашга сифатли тайёргарликни таъминлаш юзасидан иши етарли эмас, деб топилди. Вилоят ижроия комитети раҳбариятига қишга тайёргарликдаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда асосий эътиборни ишга тушириладиган объектларга, мактабгача тарбия болалар муассасаларини, мактабларни, касалхоналар ва поликлиникаларни, иситиш қозонхоналарини, иссиқлик тармоқлари ва бошқа инженерлик иншоотларини, чорвачилик фермалари ва паррандачилик фабрикаларини таъмир қилиш юзасидан ишларни жадаллаштириш зарурлигига қаратиш таклиф этилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига қишолди ишларида қолоқликка йўл қўйган бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш, «Северная», «Ново-Чиланзарская», «Северо-Западная» иссиқлик узатиш марказларининг декабрь ойигача ишга туширилишини таъминлаш учун улардаги иссиқлик тармоқлари, мазут хўжаликлари қурилишининг бориши, шунингдек халқ маорифи, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ижтимоий, маданий ва маиший объектлар ремонтининг бориши устидан алоҳида назорат ўрнатиш вазифаси топширилди.

Қабул қилинган қарорда министрликлар ва идораларга, бирлашмаларга, корхоналар ва ташкилотларга Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига қишга тайёргарликдаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни пухта таҳлил этиш юзасидан аниқ-равшан топшириқлар берилди. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети вилоят ижроия комитетлари, шаҳар ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ҳузурида ташкил этилган комиссияларнинг ишини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Идораларга қарашли иситиш системаларини, иссиқ сув билан таъминлашни, уй-жой фондини, ишлаб чиқариш ва жамоат биноларини, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасаларини, касалхоналар, поликлиникалар, чорвачилик комплексларини, ижтимоий-маданий-маиший объектларни тайёрлашда, аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари, ем-хашак тайёрлашда йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш таъминлансин. Август-сентябрь ойларида ёқилғи запасларини тўплаш, ёқилғи омборлари ва идишларини қуриш ва кенгайтириш тадбирларини амалга ошириш, темир йўл шохобчаларини тайёрлаш ниҳоясига етказилсин.

Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитетининг ҳудудий идоралари билан биргаликда, маҳаллий имкониятлардан фойдаланиб, август ойида объектларни моддий-техника ресурслари, бутловчи буюмлар билан таъминлаш масалалари ҳал этилсин. Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника комитети, Ўзбекистон ССР Давлат план комитети шу муддат ичида ҳамма жойда ресурсларни мумкин қадар кўпроқ қидириб топиш ва министрликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, маҳаллий советларнинг ижроия комитетларига ёрдам кўрсатиш юзасидан ишларни амалга оширсин.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига, қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетига, бир қанча министрликлар ва идораларга, манфаатдор ташкилотларга бир ойлик муддат ичида якка тартибда уй-жойлар қурилаётган ҳар бир янги посёлка бўйича аҳолини электр энергия, ёқилғи, қурилиш материаллари, инженерлик иншоотлари, автомобиль йўллари, транспорт, савдо, коммунал-маиший хизмат билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш юзасидан топшириқ берилди.

Қишга тайёргарлик билан шуғулланаётган барча кишилар камчиликларни тугатиш юзасидан ғоят шошилинч чора-тадбирлар кўришлари лозим.

• Нон исроф бўлмасин!

БЕБАҲО БОЙЛИК

Маълумки, ҳар бир уй, чойхона, касалхона, ошхоналарда озми-кўпми нон ортиб қолади. Қишлоқ аҳолиси одатда бундай нонларни молига беради. Лекин шаҳар аҳолисининг моли йўқ. Шунинг учун шаҳарликлар кўпинча нонларни ахлатга ташлайдилар. Натижада қанча-дан-қанча меҳнат эвазига бунёд бўлган бебаҳо бойлик исроф бўлиб кетади.

Жойларда махсус дўконлар очилиб, бу дўконлар одамларда тўпланиб қолган қаттиқ нонларни қабул қилса-ю, улар колхоз ва совхозларга ем сифатида арзон нархда сотилса, айни муддао бўлар эди. Қотган нонлар махсус дўконларда қабул қилинмаса, ҳеч ким уни атайин олиб бориб бирон ерга топширмайди. Шу ишлар амалга оширилса, қишлоқларда молларни ем билан таъминлаш бирмунча яхши йўлга қўйилган бўлар эди. Озуқа мўл бўлса, кўпроқ мол боқиш ва гўшт ҳамда сутни янада сероб бўлишига эришиш мумкин.

Ж. ПРИМОВ,
ўқитувчи.

Ибн Сино мадади

Кейинги пайтда халқ табобатига эътибор бирмунча кучайди. Бироқ Унинг муолажа ва тажрибаларидан етарли даражада фойдаланиляптимми! Умуман, дори-дармонсиз даволашнинг афзалликлари нимада!

Шу масала юзасидан мухбиримиз Н. А. Семашко номли тиббий тикланиш ва табиий даволаш илмий-тадқиқот институти директори, медицина фанлари докторн, профессор, мумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби Карим ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатлашди.

— Аксарият беморлар дори-дармонлардан кўра табиий даволанишни афзал кўришади. Дориларнинг тақчиллигиданми бу ёки бошқа сабаблари ҳам борми?

— Ростини айтсам, кейинги йилларда хасталикларнинг янги-янги кўринишлари пайдо бўлмоқда. Масалан, дори аллергияси касаллигини олайлик. Қанчадан-қанча кишилар шу дард дастидан азият чекишяпти. Қадим ота-бобомиз, умуман, бундай касаллик нималигини билишмаган.

— Демак, бунга химия «айбдор» экан-да!

— Одамлар дориларнинг турган-битгани химия дейишларида озми-кўпми жон бор. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотидан ҳам маълумки, дунёнинг ўн уч фоиз аҳолиси дори аллергияси дардига чалинган.

Қизиқ, сал бошимиз ёки белимиз оғриса, тумов бўлиб қолсак, дарров дорихонага югурамиз. Қарабсизки, бир дардни даволаб, иккинчисини қўзғаб қўйганимизни ўзимиз ҳам пайқамай қоламиз. Оқибатда дори туфайли вирусли, экологик хасталиклар пайдо бўлмоқда.

— Химиянинг инсонга сахийлиги ўз йўлига, зарари ҳам. Шундайми?

— Тан олишимиз керак, химия фани ютуқлари туфайли тиббиётда кўплаб дори-дармонлар яратилди. Натижада аксарият касалликларнинг олди олинди, қанчадан-қанча беморларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. XVI асрдаёқ немис врачи Филипп Парацелъс турли хасталикларнинг пайдо бўлишига киши танасида баъзи химиявий моддаларнинг етишмаслиги сабаб бўлиб, даволаш чоғида дори сифатида шу моддалардан фойдаланиш кераклигини айтиб ўтган эди. 1800 йилда инглиз тадқиқотчиси Хемфри Деви «кулдирувчи газ» деб юритиладиган азот оксидининг оғриқни қолдирувчанлик хусусиятини топганди. Лекин бу газ орадан қирқ тўрт йил ўтгандан кейин наркоз сифатида ишлатила бошланган. 1921 йилда Тошкентда профессор М. Слоним сурма ёки қустирувчи тош деб аталган дорини бемор қон томирига қўйиш йўли билан ички лейшманиоз касаллигини даволаган. Бу каби химиявий моддаларнинг афзалликлари хусусида яна мисоллар келтириш мумкин. Бироқ шакарнинг ҳам ози ширин, деб бежиз айтишмайди.

Тиббиёт химиясининг вужудга келганига бир ярим аср бўлди. Инсониятни турли хасталиклардан фориғ этиш йўлида турли доривор моддалар яратилаётганини тан олишимиз керак.

— Бу билан ҳадеб дорига ружу қўймаслик керак демоқчимисиз?

— Дори-дармонлардан фақат врач маслаҳати билан тўғри фойдалана билиш зарур. Акс ҳолда ўзбошимчалик кўнгилсиз оқибатларга олиб бориши ва асоратлар қолдириши турган гап.

— Дори-дармонлар ўрнини қоплайдиган бирон-бир усуллар мавжудми?

— Ҳаракатни умр йўлдоши, деб бежиз айтишмайди. Меҳнат қилган кишининг танаси қанчалар яйрайди, томирларида қон ҳаракати тезлашади. Ўпка бир текис нафас олади. Павлов таъбири билан айтганда, жисмоний ҳаракатдан сўнг мускуллар ҳузур қилади.

Очиғи, кейинги пайтда ҳаётимизга ўз-ўзини бошқариш (роботлар, машиналар)нинг кириб келиши туфайли ишимиз енгиллашиб, тобора кам ҳаракат бўлиб бораётир-миз. Автомобиль касаллигини олайлик. Кам ҳаракат қилиш натижасида бўғинларда туз йиғилади. Нима қилиш керак? Биринчи галда ўз организмимизга таъсир кўрсатишимиз лозим. Ҳаракат—соғлиқ гарови, демоқчимиз. Агар соғлом бўлай десангиз ҳаракат қилинг, агар гўзал бўлай десангиз ҳам ҳаракат қилинг, демоқчимиз.

— Халқ табобатида уқалашнинг афзалликлари ҳақида сўз юритилади. Шу хусусда батафсилроқ гапириб берсангиз?

— Чиндан ҳам уқалашда ҳикмат кўп. Дейлик, киши тумов бўлиб қолди. Агар бемор дори ичиб, бир ҳафта ичида тузалса, халқ табобати йўли билан — бурун атрофи ва кўз қовоқлари уқалаб турилса, уч кунда шифо топиши мумкин.

Ёки қон босимингиз кўтарилиб кетган, дейлик. Чакка ва икки қулоқ атрофини ўн минут уқалаб туриш кифоя. Туз йиғилиш, радикулит, бод дардлари ёй шаклидаги қурилма ёрдамида уқалаш орқали даволанади.

Тўпиқнинг тагида умрни узайтирадиган нуқта бор. У ҳар куни бир маҳалда ўн беш-йигирма минут уқалаб турилса, умрга-умр қўшилиб бораверади.

— Араб халқ мақолида икки нарсанинг қадрини йўқотгандан кейингина биласан — булар ёшлик ва саломатликдир, дейилади. Демак, саломатлигимиз, узоқ умр кўришимиз асосан ўзимизга боғлиқ экан-да?

— Шундай. Кўпинча биз соғлиғимиз ҳақида астойдил қайғурмаймиз. Кеч ётамиз. Вақтида овқатланмаймиз. Еки ётиш олдидан тўйиб овқат еймиз. Баъзан дам олиш кунларини беҳуда ўтказамиз. Қачонки, соғлом кишидан беморга айланганимиздан кейингина соғлиқнинг қадрига ета бошлаймиз. Бир ярим асрдан ортиқ умр кўрган Шерали Муслимовдан: «Узоқ умр кўришингизнинг сири нимада?» — деб сўрашганида у шундай жавоб берганди: «Меҳнат — умрим йўлдоши».

Тез қаришнинг олдини олиш, навқирон ёшликни анча вақтгача сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли меҳнат ва ҳаракатда бўлишдир. Қисқаси, табиат берган дардни табиатнинг ўзи билан дори-дармонларсиз даволаш, кишилар меҳнат қобилиятларини тиклаш йўллари кўп.

Ўлкамиз наботот оламининг ўзи минг дардга даво. Шифобахш минерал сув манбаларини айтмайсизми. Тиббиёт муассасамиз ходимлари таркибида радион, сульфид, бром, йод, кремний кислотаси ва бошқа микроэлементларга бой бўлган 150 дан зиёд минерал сув манбаларини ўрганиб, уларни шифобахш деб топилар. «Чимён» санаторийсидаги водород сульфидли саломатлик ато этувчи сув қанчадан-қанча беморлар дардига малҳам бўляпти. Ана шундай сув манбалари аниқланган жойларда табиий муолажа усули қўлланиладиган шифо масканларини кўпроқ қуриш жуда зарур. Жумладан, Самарқанд вилоятида радион сувли манба топилди. Бу ерда юрак ва бошқа хасталикларга учраган катталар ва болалар учун санаторий бунёд этилмоқда.

Она заминнинг таг-тагидан сизиб чиққан булоқнинг муздек чанқоқбосди зилол сувларини ҳовучингизни тўлдириб, тўйиб-тўйиб ичганмисиз. Дили-бағрингиз яйрайди. Бу тотли сувнинг хоссалари қайсидир дардингизга шифо бағишлаётганини хаёлингизга ҳам келтирмайсиз. Кимларнингдир дардини енгил торттираётган бундай булоқларнинг кўзларини тош бостирмай, эҳтиёткорлик билан сақлашимиз керак. Чунки борган сари шифобахш булоқлар тобора камайиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солмоғи зарур.

— Карим Йўлдошевич, табиатнинг ўзи табиб, деган фикрни илгари сурдингиз. Шу мулоҳазангизни кенгроқ баён этсангиз?

— Халқ табобати турли муолажаларга бойлиги билан киши эътиборини ўзига жалб қилади. Қуёш нурларининг шифобахшлиги хусусида шуни айтиш керакки, ўпка шамоллаши, бронхит касалликларини даволашда фойдаси катта. Шу дардга чалинганлар ҳафта мобайнида ҳар куни ўн-ўн беш минут қуёш нурларидан фойдаланиб турса, тез орада хасталикдан фориғ бўлиб кетади. Илмий муассасамиз «Қуёшфизикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда махсус қурилма яратди. Нина кўзидай тешикчадан қуёш нури юборилиб, ўпка, буйрак, жигар, Лев Семёнович Малишов сеансидан сўнг саксон фоиз бемор ўзини яхши ҳис қилмоқда. Шунингдек, оҳанрабо-терапия ва лазер нурлари муолажаларининг нафи ҳам сезиларли бўляпти.

Айниқса, асаб касалликларини, неврозни иқлимли даволаш илмда ўз исботини топган. Она табиат бағрида соф ҳаводан, гўзал манзаралардан баҳра олиш бемор дардини енгиллаштиради. Майин шабада, соф кислород ҳаста асабини тинчлантиради. Тоза ҳаво—ҳаёт малҳами. Эрта наҳорда тоғ-у тошларни сайр қилишда ҳикмат кўп. Кўк майсалар, шаршаралар, қушлар сайроғи кишига далда, умид, ишонч бағишлайди. Қуёшнинг ультрабинафша нурлари тери томирларини кенгайтиради, пишитади. Натижада киши танаси дардга чидамли бўлади. Шу сабабли Абу Али ибн Сино асаби қақшаган беморларни она-табиат қучоғига бежиз чорламаган.

— Дорисиз даволашдан олдин ҳар бир касалликнинг келиб чиқиш сабаблари илмий жиҳатдан ўрганилляптими?

— Масалан, кейинги пайтда юрак ишемик касалликлари кўпайишдан ташқари яшариб ҳам бораётир. Аввалари бу дард 60-70 ёшдан ошган қарияларда кўп бўлса, ҳозир 30-35 ёшларда ҳам учрамоқда. Бунга кам ҳаракатсизлик, қолаверса, чекиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, овқатланиш ва дам олиш режимининг бузилиши сабаб бўлаётир. Шубҳасиз, бу муаммолар медиклар томонидан ўрганиляпти. Ёғли овқат, ширинликларни кўп истеъмол қилиш эрта пайдо бўладиган артеросклерозни келтириб чиқариши аниқланган.

Шу ўринда Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, профессор Николай Михайлович Амосов қандай қилса юракнинг бир меъёрда уришини сақлаш мумкин деган саволга қуйидагиларни тавсия этганини яна бир марта эслатиб ўтишга тўғри келади.

Биринчидан, киши кунора йигирма-ўттиз минут жисмоний машқ билан астойдил шуғулланиши керакки, токи у қора терга тушиб кетсин. Эҳтимол, у югуриши ёки бирорта гимнастика билан шуғулланиши мумкин. Ихтиёри ўзида, энг муҳими, томир уриши минутига 120 мартага тўғри келиши лозим.

Иккинчидан, тўғри овқатланиш зарур. Шартмас, сиз қандай овқат истеъмол қиласиз, асосий талаб—куйига уч юз грамм, яхшиси, беш юз грамм сабзавот ва ҳўл мева еб туриш керак. Ортиқча вазн зарарли. Уни аниқлаш жуда оддий: қоринда ёғнинг қалинлиги бир сантиметрдан ошмаслиги лозим.

Учинчидан, ортиқча руҳий ҳаяжонланишларга йўл қўймаслик керак. Ҳар куни уйқу саккиз соатдан ошмаслиги зарур.

Тўртинчидан, чиниқиш лозим. Айниқса, болаликдан чиниқиб бориш ғоят муҳим. Баъзи ота-оналар болани ҳаддан ташқари иссиқ кийинтиришга ҳаракат қилади.

— Карим Йўлдошевич, «Касалликдан саломатликка, саломатликдан ёшликка» деган шорингизни қандай тушуниш бўлади?

— Одам танасида мингдан зиёд нуқта бор. Уларнинг ҳаммасини ишлатиб туриш керак. Бу шиорнинг маъноси шуки, дардга чалинган беморни тузатибгина қолмай, уни айни чоғда ёшартиришга ҳам интилишимиз керак. Демак, одамлар умрига-умр қўшиш, узайтириш билан ҳам шуғулланишимиз зарур. Шубҳасиз, бунда асосан дорисиз даволаш биринчи ўринга қўйилиши лозим. Бу масалага илмий муассасамизда алоҳида эътибор берилаётир.

— Оёқ шамоллаши хасталиги кўп учрайдиган бўлиб қолди. Уни дорисиз даволашнинг иложи борми?

— Одамнинг совуқ мижозлиги товондан дейишади. Энг аввало, товонни иссиқ тутиш керак. Эскилар танчадан фойдаланишган ёки оёқни иссиқ тупроқ ва қумга кўмиб ўтиришган. Хуллас, киши танасидаги захни чиқариш лозим. Ҳозир ҳам ана шу халқ табобатини қўллаган маъқул. Одам организми шундай тузилганки, табиат билан мувозанати бир хилдир.

— Институтда халқ табобатини илмий жиҳатдан ўрганиш юзасидан бирон бир чора-тадбирлар кўрилаётирми?

— Шу мақсадда биз шифобахш гиёҳлар билан даволаш, игна-рефлекс-терапия ва гело-рефлекс-терапия, йоғ ва механо лабораторияларни ҳамда психотерапия группасини бирлаштириб, иттифоқда ягона ҳисобланган шарқ даволаш усулларини ўрганувчи марказни ташкил этиш ниятидамиз. Бу ишга фармацевтларни ҳам жалб этмоқчимиз. Буларнинг ҳам илмий, ҳам иқтисодий аҳамияти катта. Шу баҳона, бир томондан, шарқ табобати ривожланса, иккинчидан, қанчадан-қанча дори-дармонлар иқтисод қилинади, маблағлар тежалади. Дориларга сарфланадиган пулни бошқа фойдали мақсадларга харажат қилиш имконияти туғилади. Натижада меҳнат ресурслари кўпаяди. Касаллик варақасига чиқувчи беморлар сони ҳам камайиши мумкин. Одамлар соғлиғи яхшиланиб, ишда қўним, касал бўлмай ишлаш таъминланади.

Суҳбатни ёзиб олувчи: М. МУҲСИМОВ.

● *Сиҳат-саломатлигингиз қандай?*

ДОРИСИЗ, ТИҒСИЗ ДАВО

● *МУХБИРЛАРИМИЗ ЁЗАДИЛАР*

У Й ҲАРҚАЛАЙ УЙ-ДА

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси уйларда болалар боғчаси ташкил этишга жиддий эътибор бермоқда

Сиёб ноҳиясидаги Садриддин Айний шоҳқўчасида яшовчи Зебунисо Нажмиддинова 20 йилдан бери 67-боғчада ишлайди. У ўз ҳонадонида боғча филиалини очди, тўққиз болани бағрига олди. Ҳовлидаги саранжом-саришталикни кўриб кўзингиз қувонади. Тарбиячи Маъсуда Юсупова кичкинтойлар билан қизиқарли машғулотлар олиб боради.

— Ҳонадонда боғча очиш имконияти бўлганлар жуда кўп. Аммо уларга аҳволни тўғри тушунтириш керак. Фарзандларимиз келгусида баркамол бўлишини ҳар биримиз тушуниб етайлик, — дейди онахон биз билан суҳбатда. — Бола уйда ўзини эркин ҳис қилади. Қўни-қўшниларнинг таниш болалари мени худди ўз онасидек кўради. Уларга халқ эртакларини айтиб бераман. «Олтин балиқча», «Зумрад ва Қиммат», «Уч оғайни ботирлар» ҳақидаги эртакларни жажжилар мириқиб эшитишади.

Тажрибали тарбиячи Офият Лутфуллаева хонадонига борганимизда қувончимиз янада ортди. Қўш қаватли иморатнинг ярми 14 нафар болага бериб қўйилган. Улар бутун ҳовли бўйлаб шодон ўйнашади. Хоналар ораста, ҳовли супуриб-сидирилган. Ҳарқалай, уй-уй-да! Офият опа уй юмуши билан банд бўлса, қизи Замира тарбиячилик қилади. Хуллас, бола тарбияси учун бу ерда барча шароит мавжуд. Хонадон соҳиби Мелик ака ошпаз. Яқинда у ҳовлидаги ертўлани кичкинтойлар учун спорт зали қилиб бермоқчи.

Бундай хонадонлар қишлоқ ноҳияларида ҳам кўпайиб бораётир. Ҳозиргача вилоятнинг 125 хонадонида уй боғчалари ташкил этилди, уларга 1047 нафар бола жалб қилинди. Биргина Сиёб районидаги 67-боғчанинг ана шундай 9 та филиали ишлаб турибди.

— Келаси йилдан бошлаб уй соҳибига ижара ҳақи ҳам тўлай бошлаймиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Х. Нормуродов. — Ҳозирча биланинг газ, электр энергияси, сувга тўлайдиган пулини биз тўлаб, мебель билан таъминлаймиз, овқатини вақтида етказамиз. Фақат тарбиячилар эмас, ота-оналарнинг кўпчилиги ҳам бу усул истиқболли эканлигини таъкидлашмоқда. Шу боисдан 1991 йил бошида яна 300 уйда ана шундай боғчалар очиш ниятидамиз.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДИЛДАН ЯЙРАБ ВА ҚУВНАБ

Кашшофлар оромгоҳида

Яккабоғдаги «Қашқадарётранс» бирлашмасининг «Автомобилист» пионер оромгоҳи ҳушманзара Турна дарёси бўйида, Тизма тоғ этакларида жойлашган. Мевали ва манзарали дарахтлар билан қопланган оромгоҳ 8 гектарли майдонга жойлашган. Санаторий типидаги бу лагерда вилоят транспортчиларининг 900 дан кўпроқ фарзанди янги ўқув йилига саломатликларини тиклаб қайтадилар.

Кашшофлар ёзги оромгоҳда ҳам дам олади, ҳам даволанади. Тиббиётчилар шамоллаш, томоқ оғриғи, тиш, қулоқ ва бурун касалликлари билан оғриган бемор ўқувчиларга яқиндан хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда тарбиявий ишлар ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган. Турли хил тўгараклар ишлаб турибди. София Омонова, Эшмирза Жалилов, Ҳаким Очилов каби тарбиячилар, Аҳрор Раҳматов, Мунира Раҳмонова, Илҳом Каромов, Қаҳрамон Раҳмонов сингари отряд вожатийлари ҳамиша кашшофлар даврасида.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ

69-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1990 ЙИЛ 15 АВГУСТДА КАЛИНИНГРАД ШАҲРИДА ЎЙНАЛДИ

Заёмнинг қирқ тўққиз разрядидаги серия ва облигациялар-нинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм)
201039	1—100	250	230877	1—100	100	270549	1—100	100
201120	1—100	250	231203	047*)	1000	270999	026*)	1000
202770	1—100	500	231235	1—100	100	271562	006*)	2500
203233	042*)	500	231457	1—100	100	272425	011*)	1000
203237	014*)	500	232156	049*)	1000	273331	080*)	500
203507	090*)	1000	232541	1—100	100	273351	008*)	1000
203708	071*)	500	232825	086*)	1000	273431	095*)	500
203712	068*)	1000	233020	001*)	500	273471	1—100	100
204825	048*)	500	233947	094*)	500	274267	047*)	1000
204957	042*)	500	234132	1—100	100	274802	078*)	500
205997	1—100	100	234673	023*)	500	275315	003*)	1000
207150	091*)	500	235205	088*)	500	275605	090*)	500
207867	1—100	100	235895	1—100	250	276418	1—100	100
207947	043*)	1000	235984	1—100	250	277525	004*)	500
208197	033*)	1000	236346	047*)	1000	277956	029*)	2500
208206	058*)	5000	238164	021*)	500	278540	051*)	500
208594	062*)	1000	239199	077*)	500	278608	064*)	1000
208626	023*)	2500	239390	080*)	2500	279977	009*)	1000
208637	044*)	1000	240283	013*)	500	280094	037*)	500
209108	011*)	500	241376	1—100	250	280352	029*)	1000
209148	1—100	250	241952	019*)	1000	281433	069*)	1000
209687	093*)	1000	242300	1—100	250	281683	1—100	100
209847	1—100	250	243301	1—100	100	282198	062*)	2500
210708	1—100	250	243523	095*)	500	282439	1—100	250
211749	056*)	2500	244688	1—100	100	283412	044*)	1000
211893	1—100	250	245221	1—100	100	283930	045*)	2500
212333	080*)	500	245461	033*)	2500	284008	005*)	5000
212995	018*)	1000	245589	1—100	100	285059	1—100	250
213698	010*)	1000	246730	050*)	1000	285188	097*)	500
213774	1—100	100	247165	084*)	1000	285455	1—100	100
215173	080*)	500	247199	047*)	2500	285885	092*)	1000
215516	023*)	500	247536	1—100	100	286071	050*)	1000
216094	1—100	100	248011	030*)	10000	286459	034*)	500
216270	061*)	1000	248148	1—100	100	286722	086*)	500
216378	079*)	1000	248432	1—100	100	287299	1—100	250
216778	1—100	100	248513	1—100	250	287843	025*)	500
216784	1—100	100	248631	021*)	500	287953	1—100	100
217100	1—100	100	249160	014*)	1000	288898	1—100	500
217121	061*)	1000	249268	014*)	2500	289351	045*)	500
217247	063*)	1000	250058	1—100	100	289505	1—100	100
218169	048*)	1000	250771	035*)	5000	290192	015*)	500
220188	049*)	1000	250800	1—100	100	290406	026*)	1000
220350	1—100	250	251340	022*)	1000	290453	1—100	100
220351	045*)	500	252489	035*)	1000	291227	094*)	1000
220526	021*)	500	253089	025*)	1000	293167	047*)	500
220602	1—100	250	253288	032*)	1000	293283	042*)	1000
220827	002*)	2500	254339	040*)	1000	293409	1—100	100
221298	057*)	2500	256167	1—100	250	293525	1—100	250
221749	1—100	100	256473	058*)	5000	293625	1—100	250
222029	085*)	500	258251	077*)	2500	294411	093*)	500
222224	1—100	100	258371	057*)	1000	294825	1—100	100
222934	060*)	500	258982	098*)	500	295353	040*)	500
223001	077*)	5000	259648	1—100	250	295359	008*)	500
223309	093*)	1000	260517	1—100	250	295879	1—100	250
223313	022*)	1000	260643	038*)	1000	296002	054*)	1000
224118	1—100	100	260999	073*)	500	296341	1—100	250
224295	041*)	500	261515	1—100	100	296533	089*)	1000
226093	015*)	500	261830	032*)	500	298027	1—100	100
226264	042*)	2500	262780	1—100	100	298712	099*)	2500
226917	043*)	500	262975	057*)	1000	298742	068*)	500
227341	080*)	2500	263057	063*)	1000	298885	1—100	250
228687	032*)	2500	263613	013*)	2500	299121	067*)	2500
228688	028*)	2500	265128	090*)	1000	299146	066*)	1000
229412	1—100	100	265325	1—100	100	299367	069*)	500
230587	042*)	500	266386	1—100	100	299548	1—100	100
230644	1—100	250	267897	062*)	500	299920	1—100	100
230839	037*)	1000	267938	068*)	1000			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 100, 250, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 200, 500 ,1000 сўм ютуқ тўланади, 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 500, 1000, 2500, 5000, 10000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 100 сўм чиқади ва облигация бўйича 600, 1100, 2600, 5100, 10100 сўм тўланади, 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — халқ депутатлари Калининград вилоят Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — М. И. Шапаев.

Тираж комиссиясининг масъул котиби — Е. И. Дёмина.

● Лондонда жаҳон халқ ижодиёти фестивали ўз ишини бошлади. Бу катта кўрикда Ўзбекистоннинг Бойсун ноҳиясидаги «Шалола» халқ фольклор-этнографик ансамбли иштирок этмоқда.

«ШАЛОЛА»— ЖАҲОН КЎРИГИДА

— Ансамблимиз бундан олдин ҳам Польша ва Афғонистон сафарида бўлган. Ижрочилигимизда халқимизнинг талай куй, қўшиқ ва рақсларига кенг ўрин берганмиз, — дейди ансамбль бадиий раҳбари Холиқ Муродов. — Мақсадимиз халқ оғзаки ижодини янада ривожлантириш, ота-боболаримиз куйлаган қадимий куй-қўшиқларни қайта жилолаб халқимизга қайтаришдан иборат.

Учинчи бор жаҳон саҳнасига чиқишда Даврон Абдураҳимов, Жума Сайфиев, Умид Туробов, Наим Орипов, Сайёра Халилова каби моҳир қўшиқчиларимизнинг ҳиссаси катта. «Шалола»га Лондон саҳналарида омад тилаймиз.

Г. САИДМАЛИКОВ.

● *«Фотоконкурс—90»*



◆ ЧЎЛ «КЕМА»ЛАРИ.

А. ЖДАНОВ олган сурат.

◆ МУШТАРИЛАР ХАТЛАРИДАН

(Давоми. Боши учинчи бетда).

ЙЎЛ АЗОБИ

Биз Шофиркон ноҳиясидаги И. Мўминов номли колхознинг Тезгузар қишлоғида яшаймиз. Колхозимизнинг муаммолари кўп. Газ, водопровод, телефон ҳақида гапирмай қўяқолайлик. Бизга ҳеч бўлмаса йўлни тузатиб беришса кўнглимиз жойига тушарди.

Айниқса, баҳор ва ёз жуда қийин бўлади. Балчиқ, чангдан сира юриб бўлмайди. Ипак қурти боқиш мавсумида қишлоғимизнинг чеккасидан тут барги олиб келишга тўғри келади. Шунда 50—60 та машина-тракторлар эшигимиз олдидан тинмай ўтади. Йўлимиз ёмонлигидан уйларимиз чангга тўлади. Артиб, супуриб улгуриб бўлмайди. Биз неча марталаб колхоз раҳбарларига арзимизни айтдик. Лекин улар бизга фақат ваъда беришяпти, холос. Ахир қачонгача чанг ютиб, балчиқ кечиб умримизни ўтказамиз?

Ш. РУСТАМОВ,
яна 20 нмзо, Бухоро вилояти.

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

Хива шаҳри Гандимён қишлоғидаги «Ғовик кўли» суви ва балчиғи инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга моликдир. Аммо бу хайрли иш ўз вақтида амалга оширилаётгани йўқ.

«Ғовик кўли» чинакам ёрдамга муҳтож. У «Партия XXII съезди», Огаҳий номли колхоз пахтазорлари билан чегарадош бўлиб, суви анча ифлослантирилган. Ҳар икки колхоз ҳам ғўза ҳашаротларига қарши курашда, айниқса, ғўза баргини тўкиришда ўта кучли, заҳарли дорилар ишлатишлари оқибатида кўлга жиддий зарар етказмоқда.

Саёҳатчи ва дам олувчиларга бу ерда маданий-маиший хизмат яхши йўлга қўйилмаган. Бунинг устига озодаликка бефарқ қаралаётганлигидан айрим кишилар кўлда сайр қилиш вақтида бўш шиша ва консерва қутиларини, овқат қолдиқларини кўлга ташлаб юборишади. Кўпгина анжуманларда Оролни фалокатдан қутқариш, Орол бўйини экологик жиҳатдан яхшилаш ва санаторий-курорт тармоқларини кенгайтиришдек долзарб вазифаларни бажариш илгари суриляпти. Шу жиҳатдан «Ғовик кўли» санаторийси, «Гандимён курорт»ини қуриб, Хива шаҳрининг 2500 йиллиги шарафига меҳнаткашларга армуғон қилиш вақти келди.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
партия ва меҳнат ветерани.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Қорхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳамда фуқаролар диққатига!

Ўзбекистон Ахборот агентлигида

ТАРЖИМА БЮРОСИ ОЧИЛДИ

Бюро корхоналар, ташкилотлар, идоралар ва алоҳида шахслардан рус тилидан ўзбекчага, ўзбек тилидан русчага таржима қилиш учун матн (текст)лар қабул қилади. Ушбу материаллар таржима ва таҳрир қилинганлиги учун ўзаро келишиб, меҳнат битими асосида ҳақ олинади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 38-уй, Ўзбекистон Ахборот агентлиги.

Телефонлар: 33-19-10, 33-16-22.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/VIII да **Кармен**, 22/VIII да **Севги тумори**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/VIII да **Знёфат**, 22/VIII да Отасининг қизи.

Ўзбекистон ССР Олий Совети комитетлари ва Секретариати жамоалари Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқтартибот комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Т. Р. Мирзаевга онаси

Донохон МИРЗАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Ўзбекистон Ахборот Агентлиги (ЎзТАГ) жамоаси кекса ходим, меҳнат ветерани

Ҳаким ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти бошқаруви ҳайъати, бошқарув ходими, СССР журналистлар уюшмасининг аъзоси Мурод Тиллаевга отаси

Туробжон ТИЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи редакция ходими Б. Раҳмонбердиевага опаси

Зулфия РАҲМОНБЕРДИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

№ 189. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12